O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR SIYOSATI VA SPORT VAZIRLIGI HUZURIDAGI
YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI DIREKTORINING

# BUYRUG'I

2023 y. "14" fevral — № 01-10/24

**O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Kengashining va O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2022-yil 19-dekabrdagi 2778-IV-KQ-443-IV-son qarori ijrosini ta'minlash haqida**

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Kengashining va O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining "Xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish to'g'risidagi Konvensiya qoidalarini bajarish yuzasidan O'zbekiston Respublikasining Oltinchi davriy ma'ruzasini ko'rib chiqish yakunlari bo'yicha BMT Xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish qo'mitasining yakuniy tavsiyalarini amalga oshirish yuzasidan 2022-2025-yillarga mo'ljallangan Milliy harakatlar rejasi haqida" 2022-yil 19-dekabrdagi 2778-IV-KQ-443-IV-son qarorida belgilangan vazifalar ijrosini o'z vaqtida va sifatli bajarish maqsadida

**B U Y U R A M A N:**

1. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Kengashining va O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining "Xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish to'g'risidagi Konvensiya qoidalarini bajarish yuzasidan O'zbekiston Respublikasining Oltinchi davriy ma'ruzasini ko'rib chiqish yakunlari bo'yicha BMT Xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish qo'mitasining yakuniy tavsiyalarini amalga oshirish yuzasidan 2022-2025-yillarga mo'ljallangan Milliy harakatlar rejasi haqida" 2022-yil 19-dekabrdagi 2778-IV-KQ-443-IV-son qarori (keyingi o'rinlarda – qaror) ma'lumot va ijro uchun qabul qilinsin.

2. Qarorda belgilangan vazifalarni amalga oshirishga oid Yoshlar ishlari agentligining nazorat rejasi (keyingi o'rinlarda – nazorat reja) ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

3. Nazorat rejada belgilangan vazifalar va tadbirlar:

o'z vaqtida, to'liq va sifatli bajarilishi yuzasidan shaxsiy javobgarlik mas'ul ijrochi bo'lgan tarkibiy va hududiy bo'linma rahbarlari zimmasiga yuklansin;

ijrosi uchun talab etiladigan sarf-xarajatlar belgilangan muddatlarda alohida buyruq asosida amalga oshirilishi belgilansin.

4. Agentlik markaziy apparati tarkibiy tuzilmalari, hududiy bo‘linmalari rahbarlari hisobot oyi uchun keyingi oyning 5-sanasiga qadar nazorat reja ijrosi bo‘yicha Axborot-tahlil va ijro nazorati bo‘limiga hisobot taqdim etib borsin.

5. Ushbu buyruq ijrosi nazoratini qilish direktor o‘rinbosari D.Kattaxanova zimmasiga yuklansin.

**Direktor** **A. Sa’dullayev**

Yoshlar ishlari agentligi direktorining
2023-yil "14" – fevraldagi 01-10/24 -son buyrug'iga
Ilova

**O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Kengashining va O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2022-yil 19-dekabrdagi 2778-IV-KQ-443- IV-son qarori bilan tasdiqlangan Xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish to'g'risidagi Konvensiya qoidalarini bajarish yuzasidan O'zbekiston Respublikasining Oltinchi davriy ma'ruzasini ko'rib chiqish yakunlari bo'yicha BMT Xotin-qizlarni kamsitishning barcha shakllariga barham berish qo'mitasining yakuniy tavsiyalarini amalga oshirish yuzasidan 2023 - 2025 yillarga mo'ljallangan Milliy harakatlar rejasining "yo'l xaritasi"da belgilangan vazifalarni amalga oshirishga oid Yoshlar ishlari agentligining**

**NAZORAT-REJASI**

| T/r | Chora-tadbir nomi | Amalga oshirish mexanizmi | Bajarish muddati | Mas'ul ijrochilar | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Vazirlik va idoralar | Ijro uchun mas'ullar (Agentlik) |
| **1.** *(16-band)* | 20.1. Gender tengligini ta'minlashga oid turli stereotiplarning oldini olish va unga oid me'yorlarni aholi orasida keng targ'ib qilish. | 1. Aholida shakllangan gender stereotiplarni bartaraf etish va gender tenglikni targ'ib qiladigan vedio, audioroliklar, reportajlar, radioeshittirishlar, maqolalar, infografikalar, intervyular, xabar va postlar tayyorlashga ko'maklashish.<br>2. Obunachilari ko'p bo'lgan ijtimoiy tarmoqlar, bloglar va boshqa internet resurslarida targ'ib qilish va tarqatishga ko'maklashish.<br>3. Gender tenglikni ta'minlashga oid turli stereotiplarning oldini olish, bu borada mavjud me'yorlarni ommaviy axborot vositalari, ijtimoiy tarmoqlar orqali keng targ'ib qilishga ko'maklashish. | 2023-yil mart<br><br>doimiy | Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi huzuridagi Oila va xotin-qizlar davlat qo'mitasi, Yoshlar siyosati va sport vazirligi huzuridagi **Yoshlar ishlari agentligi**, MTRK | Yoshlar media loyihalarini qo'llab-quvvatlash bo'limi boshlig'i **(N.Abduqodirov),** Ijtimoiy himoyaga muhtoj yoshlar bilan ishlash bo'limi boshlig'i **(U.Sultonov)**, Agentlikning hududiy bo'linmalari boshliqlari |
| **2.** *(18-band)* | 22.4. O'quvchi-yoshlarga nisbatan jismoniy tazyiq o'tkazganlik, zo'ravonlik sodir etganlik uchun ma'muriy javobgarlikni belgilash. | 1. Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksga o'zgartirish kiritishni nazarda tutuvchi qonun loyihasini tayyorlashni tashkiliy-texnikaviy ta'minlash, zarur tahliliy materiallar va axborot to'plashga ko'maklashish.<br>2. Qonun loyihasi konsepsiyasini tayyorlashga ko'maklashish. | 2023-yil davomida<br><br>sentyabr | Adliya vazirligi, Bola huquqlari bo'yicha vakil, Ichki ishlar vazirligi, Bosh prokuratura, Oliy sud, Maktabgacha va matkab ta'limi vazirligi, | Yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularning huquqiy savodxonligini oshirish bo'limi boshlig'i **(A.Alimov),** Ijtimoiy himoyaga muhtoj yoshlar bilan ishlash bo'limi boshlig'i **(U.Sultonov)** |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 3. Qonun loyihasini ishlab chiqish, huquqiy va boshqa zarur ekspertizalardan o‘tkazishga ko‘maklashish.<br>4. Qonun loyihasini tayyorlanishi yuzasidan nomzod berish. | dekabr | Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi, Yoshlar siyosati va sport vazirligi huzuridagi **Yoshlar ishlari agentligi** | |
| 3.<br>*(22-band)* | 22.11. Yoshlar o‘rtasida tazyiq va zo‘ravonlik, oilaviy ajralishlar va shu kabi salbiy holatlar bartaraf qilishni o‘rganish bo‘yicha sotsiologik tadqiqot o‘tkazish. | 1. So‘rovnoma loyihasini ishlab chiqish.<br>2. Yosh oilalar o‘rtasida so‘rovnomalar o‘tkazish va takliflar tayyorlash. | 2023-yil Aprel-may | Yoshlar siyosati va sport vazirligi huzuridagi **Yoshlar ishlari agentligi**, Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi huzuridagi Oila va xotin-qizlar davlat qo‘mitasi, “Ijtimoiy fikr”markazi | Ijtimoiy himoyaga muhtoj yoshlar bilan ishlash bo‘limi boshlig‘i **(U.Sultonov),** Agentlikning hududiy bo‘linmalari boshliqlari |
| 4.<br>*(24-band)* | 24.2. Uzoq muddatga yashash joyidan chiqib ketgan shaxslar, shu jumladan ayollarning oilalarini ijtimoiy psixoloik qo‘llab-quvvatlash. | 1. Mahallalarda jamoatchilik vakillari bilan hamkorlikda xonadonlarni o‘rganib borishga ko‘maklashish.<br>2. Uzoq muddatga yashash joyidan chiqib ketgan shaxslarning oilalari yagona reestrini yaratish va yangilab borishga ko‘maklashish.<br>3. Chet elga chiqib ketgan shaxslarning uyda qolgan oila a’zolari, shu jumladan farzandlarining turmush tarzini o‘rganish, doimiy manzilni qo‘llab-quvvatlash choralarini ko‘rish (tarbiyasi og‘ir bo‘lgan bolalar bilan ishlash, psixologik yordam, to‘garaklarga jalb etish va boshqalar)ga ko‘maklashish. | 2022-2023-yillar<br><br>doimiy<br><br>2022-2023-yillar | Ichki ishlar vazirligi, Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi huzuridagi Oila va xotin-qizlar davlat qo‘mitasi, Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, Sog‘liqni saqlash vazirligi, Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligi, Yoshlar siyosati va sport vazirligi huzuridagi **Yoshlar ishlari agentligi**, Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari | Yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularning huquqiy savodxonligini oshirish bo‘limi boshlig‘i **(A.Alimov),** Ijtimoiy himoyaga muhtoj yoshlar bilan ishlash bo‘limi boshlig‘i **(U.Sultonov)** Agentlikning hududiy bo‘linmalari boshliqlari |

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASI KENGASHINING VA O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATI KENGASHINING

# QO‘SHMA QARORI

## Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция қоидаларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Олтинчи даврий маърузасини кўриб чиқиш якунлари бўйича БМТ Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш қўмитасининг якуний тавсияларини амалга ошириш юзасидан 2022 – 2025 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режаси ҳақида

Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция қоидаларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Олтинчи даврий маърузасини кўриб чиқиш якунлари бўйича БМТ Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш қўмитасининг якуний тавсияларини амалга ошириш юзасидан 2022 – 2025 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режасини амалга ошириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР**:

1. Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция қоидаларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Олтинчи даврий маърузасини кўриб чиқиш якунлари бўйича БМТ Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш қўмитасининг якуний тавсияларини амалга ошириш юзасидан 2022 – 2025 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракатлар режаси (бундан буён матнда Миллий ҳаракатлар режаси деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Миллий ҳаракатлар режасининг ижросини таъминлаш чораларини кўрсин.

3. Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан биргаликда Миллий ҳаракатлар режасининг амалга оширилиши юзасидан:

мунтазам мониторинг олиб борсин;

чора-тадбирлар сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича тегишли вазирлик ва идораларга таклиф ва тавсияларни киритиб борсин;

ҳар чоракда тегишли бандларнинг ижро этилиши ҳолати юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотини эшитсин ҳамда танқидий муҳокама қилсин;

аниқ кўрсаткичлар ва эришилган натижалар акс эттирилган батафсил ахборотни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг расмий веб-сайтларига доимий равишда жойлаштириб борсин;

умумлаштирилган маълумотни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига киритиб борсин.

4. Миллий ҳаракатлар режасида белгиланган масъул ижрочилар ўзларига юклатилган вазифалар ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойнинг бешинчи санасига қадар Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясига тақдим этсин.

Бунда вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари Миллий ҳаракатлар режасида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсан жавобгардир.

5. Мазкур Қўшма қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев зиммасига юклатилсин.

6. Ушбу Қўшма қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси**
**Спикерининг биринчи**
**ўринбосари**

**А. Саидов**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг**
**Раиси**

**Т. Нарбаева**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 19 декабрь,
№ 2778–IV/ҚҚ-443–IV.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгашининг
ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенати Кенгашининг 2022 йил 19 декабрдаги
2778–IV/КҚ-443–IV-сонли Қўшма қарорига
илова

**Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция қоидаларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Олтинчи даврий маърузасини кўриб чиқиш якунлари бўйича БМТ Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш қўмитасининг якуний тавсияларини амалга ошириш юзасидан 2022 – 2025 йилларга мўлжалланган**

# МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ

| № | БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш Қўмитасининг якуний тавсияси | Тавсияларни амалга ошириш бўйича тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **2030 йилгача Барқарор ривожланиш соҳасидаги Кун тартиби** | | | | | |
| **1.** | 7. Қўмита Барқарор ривожланиш мақсадлари халқаро равишда қўллаб-қувватланишини юқори баҳолайди ва Барқарор ривожланишнинг 2030 йилгача мўлжалланган режасини бажариш жараёнида Конвенция руҳига мувофиқ гендер тенглигини де-юре (қонун хужжатлари даражасида) ва де-факто (амалда) таъминлашга чақиради. Қўмита 5-Мақсаднинг муҳимлигини ва барча 17 мақсадга эришиш | 7.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПФ–87-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурни амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасидаги | 1. Комплекс чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини мониторинг қилиб бориш ва натижаларини Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда – Республика комиссияси)га киритиш.<br>2. Комплекс чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар | 2022 – 2025 йиллар давомида ҳар чоракда<br><br>ҳар чоракда | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, мутасади вазирлик ва идоралар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | давомида тенглик ва камситмаслик принципларини инобатга олиш зарурлигини эслатади. У Иштирокчи-давлатни хотин-қизларни Иштирокчи-давлатларда барқарор ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида тан олишга ва ушбу самарага эришиш учун тегишли сиёсат ва стратегияларни қабул қилишга ундайди. | вазифаларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш. | ижросининг боришини Республика комиссияси мажлисларида муҳокама қилиш ва мутасадди вазирлик ва идора раҳбарларининг ахборотини эшитиб бориш.<br>3. Миллий дастур доирасида амалга оширилаётган ишларни ОАВ орқали ёритиб бориш. | | Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси,<br>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, мутасади вазирлик ва идоралар |
| **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси** | | | | | |
| **2.** | 8. Қўмита қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг Конвенция тўлиқ бажарилишини кафолатлашдаги ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди (кўринг: A/65/38 ҳужжати, иккинчи қисм, VI-илова). У ўз ваколатига мувофиқ равишда Олий Мажлисга Конвенция бўйича кейинги даврий ҳисобот тақдим этилишигача ушбу якуний мулоҳазаларни амалга оширишда тегишли зарур чораларни кўришни таклиф этади. | 8.1 Ўзбекистон Республикасининг Олтинчи даврий маърузасини кўриб чиқиш якунлари бўйича БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш Қўмитасининг якуний тавсияларининг бажарилиши бўйича парламент назоратини кучайтириш. | 1. Ўзбекистон Республикасининг Олтинчи даврий маърузасини кўриб чиқиш якунлари бўйича БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш Қўмитасининг якуний тавсияларини амалга ошириш юзасидан Миллий ҳаракатлар режасининг (МҲР) бажарилиши устидан парламент мониторингини ўтказиш.<br>2. МҲРнинг ижросини мониторинги якунлари бўйича таҳлилий маълумот тайёрлаш. | 2022 – 2025 йиллар давомида ҳар ярим йилда | Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси,<br>Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ,<br>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси |
| **3.** | 10. Қўмита Иштирокчи-давлатга қуйидагиларни тавсия қилади: | 10.1. Давлат органларида гендер тенглигининг таъминланиши, хотин-қизларга нисбатан камситиш | 1. Қонунчилик ҳужжатлари ижросини ташкилотлар, ҳудудлар ва маҳаллаларда ўрганиш. | 2023 йил сентябрь | Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | a) хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенглигини рағбатлантириш мақсадида миллий қонунчилик базасини татбиқ қилишни кучайтиришни;<br>b) Конвенциянинг 1-моддасига мувофиқ хотин-қизларни давлат ва хусусий соҳаларда камситишнинг бевосита ва билвосита шакллари, шунингдек камситишнинг аралаш шаклларини қамраб оладиган таъриф берилган кенг қамровли камситишга қарши қонун ҳужжатларини қабул қилиш. | (шу жумладан билвосита), таъқиб ва зўравонлик ҳолатлари устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш.<br>2. Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция асосида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ижросини ўрганиш. | 2. Мониторинг натижалари бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқий амалиётни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2023 йил октябрь | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги,<br>Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман),<br>Бош прокуратура,<br>Адлия вазирлиги,<br>Олий суд,<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| **4.** | c) суд органлари ходимлари ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари суд жараёнларида Конвенцияни тўғридан-тўғри қўллашлари ва миллий қонун ҳужжатларини Конвенция руҳида талқин қилишларига доир малакаларини ошириш. | 10.2. Ўқув дастурларига Конвенцияни судларда ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қўллаш бўйича махсус ўқув курсини киритиш. | 1. Махсус ўқув модулини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Ўқув дастурларига махсус ўқув модулини татбиқ қилиш.<br>3. Ўқув адабиётларини тайёрлаш ва чоп эттириш.<br>4. Халқаро ҳамкорлар кўмагида ўқитувчилар учун хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда тренинглар ўтказиш. | 2023 йил март<br><br>2023 йилдан бошлаб | Судьялар олий мактаби, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Юристлар малакасини ошириш маркази |
| **5.** | d) Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 12-моддасига қилинган қўшимча шартни бекор қилиш. | 10.3. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 12-моддасига қилинган қўшимча шартни бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш. | 1. Илғор хорижий тажрибани ўрганиш.<br>2. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 12-моддасига қилинган қўшимча шартни бекор қилиш мақсадга | 2024 йил март | Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ташқи ишлар вазирлиги, Олий суд, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | мувофиқлиги масаласида таклифлар тайёрлаш. | | |
| | **Одил судловдан фойдаланиш** | | | | |
| **6.** | 12. Хотин-қизларнинг одил судловдан фойдаланишга доир 33-сон (2015) умумий тавсиясига мурожаат қилиб, Қўмита иштирокчи-давлатга, жумладан қуйидагилар орқали, хотин-қизларнинг одил судловдан фойдаланишига бўлган тўсиқларни бартараф этишни тавсия қилади:<br>а) суд тизимида ҳамон сақланиб қолган гендер стереотипларга барҳам бериш ва хотин-қизларга қарши гендер зўравонлик ишларида суд жавобгарлигига тортишнинг маҳаллалардаги яраштирув жараёнларидан устун бўлиши мақсадида суд ишларини юритиш бўйича ўқув тайёргарлик ва ахборот кампанияларини ўтказиш. | 12.1. Мазкур МҲРнинг 10.2.-бандида белгиланган вазифаларни амалга ошириш. | | | |
| | | 12.2. Суд тизимида гендер хурофот ва турғун стереотипларга барҳам беришга қаратилган, зўравонликка қарши 16 кун доирасида ахборот кампаниясини ташкил этиш | 1. Зўравонликка қарши 16 кун доирасида ўтказиладиган ахборот кампанияси концепцияси ва дастурини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш.<br>2. Туркум телекўрсатувлар, ижтимоий видеороликлар тайёрлаш ва намойиш этиш.<br>3. Брошюра ва буклетлар тайёрлаш ва чоп этиш. | 2022-2025 йй. декабрь, хар йили | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси |
| | | 12.3. Гендер хурофотлар ва гендер стереотипларга барҳам бериш, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари бўйича маҳаллаларда ярашув жараёнларидан жиноий жавобгарликка тортиш устуворлиги таъминланиши тўғрисида маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари (яраштирув комиссияси аъзолари), ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, журналистлар учун семинар-тренинглар ташкил этиш. | 1. Семинар-тренинг дастури, модулини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Эксперт, тренерлар гуруҳини шакллантириш.<br>3. Алоҳида жадвал асосида семинар-тренингларни ўтказиш. | 2023 йил октябридан бошлаб | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **7.** | b) хотин-қизлар орасида, жумладан, қишлоқ жойларда, ҳуқуқлари бузилганда уни тиклашни даъво қилиш учун қандай ҳуқуқий чоралар мавжудлиги тўғрисида хабардорликни ошириш. | 12.4. Хотин-қизлар, шу жумладан, қишлоқ жойларда яшовчи аёлларни хабардорлигини ошириш мақсадида туркум теле- ва радиодастурлар ташкил этиш ва ўтказиш, ижтимоий роликлар, ток-шоулар тайёрлаш ва намойиш этиш, шунингдек, газета ва журналларда, айниқса, аёллар учун махсус нашрларда тегишли мақолалар чоп эттириш. | 1. Чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Теле- ва радиодастурлар, ижтимоий роликлар, ток-шоулар тайёрлаш ва намойиш этиш, мақолалар чоп эттириш. | 2022 йил декабрдан бошлаб | Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси |
| | | 12.5. Хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқлари, мавжуд ҳимоя воситалари тўғрисидаги хабардорлиги даражаси бўйича ижтимоий сўров ўтказиш. | 1. Тадқиқотнинг концепцияси, дастури ва саволномасини ишлаб чиқиш.<br>2. Хотин-қизлар ўртасида ижтимоий сўров ўтказиш.<br>3. Ижтимоий сўров натижасига асосан таҳлилий маълумот тайёрлаш. | 2024 йил январь<br>февраль<br>март | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази |
| **8.** | с) диний етакчилар ва жамоат арбобларининг ўз ҳуқуқларини талаб қилаётган хотин-қизларга нисбатан стигматизацияни тугатиш борасида хабардорлигини ошириш ҳамда суд, ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар ходимлари ўртасида хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик мавзуларида, | 12.6. Диний етакчилар ўртасида юридик соҳа вакилларини жалб қилган ҳолда хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича ўқув семинарлар ташкил этиш. | 1. Ўқув семинарлар дастури ва модулини ишлаб чиқиш.<br>2. Эксперт-тренерлар гуруҳини шакллантириш.<br>3. Ўқув ва тарқатма материалларни тайёрлаш.<br>4. Мавзу бўйича видеороликлар ишлаб чиқиш, тақдимот тайёрлаш.<br>5. Ўқув семинарлар ўтказиш. | 2023 йилдан бошлаб<br>март<br>апрель<br>май | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Адлия вазирлиги, Судьялар олий мактаби, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги «Зиё» медиа маркази |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | патриархал қарашлар, камситувчи гендер стереотиплар ва суд тизимида ўз хақ-ҳуқуқини талаб қилаётган аёлларга нисбатан тарафкашлик қилиш каби ҳолатларни бартараф этиш бўйича ўқув машғулотлар ўтказиш. | 12.7. Суд тизими, ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик мавзулари бўйича ўқув курслари ташкил этиш. | 1. Ўқув курслари дастури ва модулини ишлаб чиқиш.<br>2. Эксперт-тренерлар гуруҳини шакллантириш.<br>3. Тарқатма материаллар ва тақдимотлар тайёрлаш.<br>4. Ўқув курсларини ташкил этиш ва ўтказиш. | 2023 йил январь<br><br>февраль<br>2023-2024 йй. мобайнида | Судьялар олий мактаби, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Тошкент давлат юридик университети, Юристлар малакасини ошириш маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ |
| **Хотин-қизлар мавқеини ошириш бўйича миллий механизм** | | | | | |
| **9.** | 14. Қўмита хотин-қизларни ривожланишнинг фаол қатнашчилари ва ҳуқуққа эга шахслар ролида рағбатлантириш ўрнига фарзанд туғиб бериш анъанавий вазифасига боғлаб қўйиш, хотин-қизларнинг ҳолатини яхшилаш фаолиятига зид эканлигини эслатиб ўтади. У Иштирокчи-давлатга қуйидагиларни тавсия қилади:<br>а) хотин-қизлар ҳолатини яхшилаш бўйича давлат механизмининг ваколат ва вазифаларини аниқ белгилаш ҳамда уларни тегишли инсоний, техник ва молиявий ресурслар билан таъминлаш; | 14.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш. | 1. Комплекс чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларнинг бажарилишининг боришини Республика комиссияси мажлисларида мутасадди вазирлик ва идора вакиллари иштирокида муҳокама қилиб бориш.<br>2. Республика комиссияси аъзолари томонидан Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳузуридаги хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда –ҳудудий комиссиялар) фаолиятини самарали ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатиб бориш. | 2022 – 2025 йиллар давомида ҳар чоракда<br><br>алоҳида режа асосида | Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, мутасади вазирлик ва идоралар<br><br>Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 3. Комплекс чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ижросини мониторинг қилиб бориш ва натижаларини худдий комиссия мажлисларида муҳокама қилиб бориш. | алоҳида режа асосида | Қорақалпоғистон Республикаси Жўқориғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман шаҳар кенгашлари |
| **10.** | b) Конвенция қамраб олган барча соҳаларда қарорлар қабул қилишда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, хотин-қизлар ҳуқуқлари борасида фаолият олиб борувчи институтлар иштирокини таъминлаш мақсадида уларнинг давлат механизми билан ҳамкорлигини кучайтириш. | 14.2. Конвенция қамраб олган соҳаларда қарорлар қабул қилишда ННТларнинг, хусусан, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиш борасида фаолият олиб борувчи институтлар иштирокини таъминлаш мақсадида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари учун грантлар ажратиш | 1. Ушбу соҳада энг яхши лойиҳа танловини эълон қилиш.<br>2. Грант танловига ННТлардан келиб тушган лойиҳаларни танлаб олиш.<br>3. Танлов ғолибларига сертификатлар топшириш. | 2023-2026 йй. | Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб кувватлаш Фонди, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси |
| | | 14.3. Қишлоқ жойлардаги хотин-қизларни касбга ўқитиш, тадбиркорликка жалб қилиш ва иш билан таъминлаш лойиҳаларини амалга ошириш | 1. Нодавлат ташкилотларга грантлар бериш учун Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан маблағлар ажратиб бориш.<br>2. Ўқув курсларини ўтказиш учун зарур шароитлар яратиш. | 2023 йилдан бошлаб ҳар йили | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси |
| **Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт** | | | | | |
| **11.** | 16. Қўмита Иштирокчи-давлатга, Инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсман бошқармаси ўз ваколатини самарали, | 16.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили | 1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили | 2023 йил I-чорак | Олий Мажлис палаталари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | мустақил равишда ҳамда Инсон ҳуқуқларини тарғиб ва ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар мақомига тегишли принциплар (Париж принциплари)га мос амалга ошириши учун унга муносиб инсон, техник ва молиявий ресурсларни таъминлаш йўли билан фаолиятини кучайтиришни, шунингдек, Омбудсман бошқармасини хотин-қизлар ҳуқуқларини тарғиб ва ҳимоя қилиш ва хотин-қизлардан тушган шикоятларни ошкора қилмаслик асосида, гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш ваколатини беришни тавсия қилади. | (омбудсман) фаолиятининг ҳуқуқий асосларини takomillashtirish. | (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш.<br>2. Қонун лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш.<br>3. Қонун лойиҳасини манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишиш.<br>4. Қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш. | 2023 йил<br>II-чорак<br><br>2023 йил<br>II-чорак | |
| | | 16.2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг Глобал альянсида «А» мақомини олиш. | 1. «А» мақомини олиш бўйича чораларни белгилаш.<br>2. Глобал альянснинг кичик Қўмитасига аккредитация бўйича мурожаат юбориш. | 2023 йил<br><br>2024 йил | Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) |
| **Вақтинчалик махсус чоралар** | | | | | |
| **12.** | 18. Конвенция 4-моддасининг 1-банди ва Қўмитанинг вақтинчалик махсус чораларига тегишли 25-сон (2004) умумий тавсиясига мувофиқ ва аввалги тавсияларга (CEDAW/C/UZB/CO/5, 14-банд) диққатни қаратган ҳолда Қўмита Иштирокчи- | 18.1. Давлат органлари мансабдор шахслари, парламент аъзолари, сиёсатчилар, иш берувчилар ва кенг жамоатчилик вакиллари учун вақтинчалик махсус чоралар қабул қилиниши мақсадини тушунтиришга қаратилган туркум семинар-тренинглар ташкил этиш. | 1. Семинар-тренинглар дастури, модулини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Эксперт гуруҳини шакллантириш.<br>3. Ўқув, тарқатма материаллар, тақдимотларни тайёрлаш.<br>4. Семинар-тренинглар ташкил этиш | 2023 йил<br>август<br><br>2023 йил<br>сентябрь | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Давлат бошқаруви академияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | давлатга қуйидагиларни тавсия этади:<br>а) давлат органлари мансабдор шахслари, парламент аъзолари, сиёсатчилар, иш берувчилар ва кенг жамоатчилик вақтинчалик махсус чоралар қабул қилиниши мақсадини тушунишга кўмаклашишни. | 18.2. БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш Қўмитасининг якуний тавсияларини амалга ошириш, вақтинчалик махсус чоралар қабул қилинишининг мақсади, аёл ҳуқуқлари ва гендер тенглик масалалари бўйича мавзуларни марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари учун давлат бошқаруви соҳасида магистратура ва малака ошириш ўқув дастурларига киритиш. | 1. Ўқув дастурининг концепцияси ва модулини ишлаб чиқиш.<br>2. Давлат бошқаруви соҳасида магистратура ва малака ошириш ўқув дастурларига татбиқ этиш. | 2023 ўқув йилидан бошлаб | Давлат бошқаруви академияси, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси |
| | | 18.3. БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш конвенциясини амалга ошириш, аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенглик масалалари бўйича махсус электрон ўқув курсини яратиш. | 1. Электрон ўқув курсининг дастури ва модулини ишлаб чиқиш.<br>2. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ecourse.nhrc.uz. электрон платформасига жойлаштириш | 2023 йил май<br><br>август | Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, халқаро ташкилотлар |
| **13.** | b) Конвенция қамраб олган, хотин-қизлар иштироки пастроқ ёки улар ноқулай шароитда бўлган барча соҳаларда, ҳам давлат, ҳам хусусий секторларда, айниқса қарор қабул қилиш даражасида ҳамда этник озчилик гуруҳларга мансуб хотин-қизлар ва ногиронлиги бўлган | 18.4. 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижроси таъминланишини ташкил этиш. | 1. 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини муайян йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини қабул қилиш.<br>2. 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш | ҳар йили ноябрь<br><br>ҳар йили | Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари Қўмитаси, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, мутасадди вазирлик ва идоралар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратиб, хотин-қизлар ва эркакларнинг аслида тенглигига тезда эришишнинг зарур стратегияси сифатида вақтинчалик махсус чораларни қабул қилишни ҳамда муайян бажариш муддатлари аниқ бўлган вазифаларни белгилаш;<br>c) вақтинчалик махсус чоралар бажарилишини мониторинг қилиш ҳамда хотин-қизлар ва эркакларнинг аслида тенглигига эришишга уларнинг таъсирини баҳолаш механизмини жорий этиш, уларга риоя қилмаслик ҳолларида мос таъсир чораларини тасдиқлашни. | | стратегиясида белгиланган вазифалар ижросининг боришини мониторинг қилиб бориш ва натижаларини Олий Мажлис Сенати ялпи мажлиси муҳокамасига киритиб бориш. | | |
| **14.** | d) хотин-қизларга нисбатан гендер зўравонликнинг тарқалишини қисқартириш мақсадида вақтинчалик махсус чораларни қабул қилиш, жумладан маълумот тўплашни яхшилаш чораларини ва мониторинг механизмини жорий этишни; | 18.5. Хотин-қизларга нисбатан гендер зўравонлик ҳолатларини қисқартириш мақсадида маълумот тўплаш тизимини яхшилаш учун индикаторларни ва мониторинг қилиш механизмини жорий этиш. | 1. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари юзасидан маълумот тўплашни яхшилаш учун индикаторларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик даражасини камайтириш учун мониторинг механизмини жорий этиш.<br>3. Фаолиятга татбиқ қилиш. | 2023 йил январь<br><br>март | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Давлат статистика қўмитаси |
| **15.** | e) айниқса, оғир аҳволдаги хотин-қизлар, жумладан, қишлоқ хотин-қизлари, кекса | 18.6. Мазкур МҲРнинг 18.4.бандида белгиланган | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | аёллар, ногиронлиги бўлган хотин-қизлар ва ҳибсга олинган аёлларнинг тўлақонли бандликка эришиши, уй-жой билан таъминланиши, тегишли соғлиқни сақлаш ва сифатли таълим олиш борасида қўллаб-қувватлаш мақсадида вақтинчалик махсус чораларни қабул қилишни ҳамда аниқ бажариш муддати билан вазифаларни белгилаш. | вазифаларни амалга ошириш. | | | |
| **Стереотиплар** | | | | | |
| **16.** | 20. Қўмита аввалги (CEDAW/C/UZB/CO/5, 16-банд) тавсияларини тасдиқлайди ва Иштирокчи-давлатга қуйидагиларни тавсия этади:<br>а) хотин-қизлар ва эркакларнинг оила ҳамда жамиятдаги вазифалари ва масъулиятлари борасида камситувчи стереотиплар, тасаввурларни бартараф этишга қаратилган жамоатчилик ва диний етакчилар, ўқитувчилар, қизлар ва ўғил болалар, аёллар ва эркакларга мўлжалланган, жумладан, онлайн маконда қўлланадиган комплекс стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни;<br>b) гендер стереотипларни ва хотин-қизларга | 20.1.Гендер тенглигини таъминлашга оид турли стереотипларнинг олдини олиш ва унга оид меъёрларни аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш. | 1. Аҳолида шаклланган гендер стереотипларни бартараф этиш ва гендер тенгликни тарғиб қиладиган видео, аудиороликлар, репортажлар, радиоэшиттиришлар, мақолалар, инфографикалар, интервьюлар, хабар ва постлар тайёрлаш.<br>2. Обуначилари кўп бўлган ижтимоий тармоқлар, блоглар ва бошқа интернет ресурсларида тарғиб қилиш ва тарқатиш.<br>3. Гендер тенгликни таъминлашга оид турли стереотипларнинг олдини олиш, бу борада мавжуд меъёрларни оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарғиб қилиш. | 2023 йил март<br><br>доимий | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, МТРК |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | истеъмолчилик муносабатида бўлишга қарши курашишни кўзлаб, оммавий ахборот воситалари ходимлари орасида хабардорликни оширишда давом этиш, хотин-қизларни оммавий ахборот воситаларида ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ижобий тасвирлашни рағбатлантиришни;<br>с) уй-рўзғор ва фарзандларни парвариш қилиш масъулиятларини зиммага баробар олишни, шунингдек, масъулиятли оталикни тарғиб қилиш мақсадида мўлжалли чоралар кўришни, жумладан, хабардорликни оширишни. | 20.2. Умумтаълим мактаблар ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари учун аёллар ва эркакларнинг оила ва жамиятдаги роли ва мажбуриятларига оид дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | 1. Мактаб ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабаларининг хаётий кўникмаларини шакллантиришга қаратилган амалдаги дастурларни кўриб чиқиш, аёллар ва эркакларнинг оила ва жамиятдаги роли ва мажбуриятларига оид дастурларини татбиқ этиш. | 2023 йил август | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги |
| **Хонтин-қизларга нисбатан гендер зўравонлик** | | | | | |
| **17.** | 22. 19-сон умумий тавсияни янгилашга қаратилган хотин-қизларга нисбатан гендер зўравонликка доир 35-сон (2017) умумий тавсияга диққатни қаратиб, Қўмита Иштирокчи-давлатга қуйидагиларни тавсия этади:<br>а) оиладаги зўравонлик учун муайян жиноий жавобгарликни белгилаш, ex-officio жавобгарликка тортиш имкониятини яратиш ва ҳуқуқбузарликнинг | 22.1. Қонунчилик ҳужжатларига «хотин-қизларни таъқиб этиш» тушунчасини киритиш. | 1. «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга «хотин-қизларни таъқиб этиш» тушунчасини киритиш бўйича қонун лойиҳасини тайёрлашни ташкилий-техникавий таъминлаш, зарур таҳлилий материаллар ва ахборот тўплаш.<br>2. Қонун лойиҳаси концепциясини тайёрлаш.<br>3. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий ва бошқа зарур экспертизалардан ўтказиш. | 2022-2023 йй. | Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-кувватлаш вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | оғирлигига яраша жазо чоралари қўллашни назарда тутиш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларини, жумладан, Жиноят кодексини, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни ҳамда Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириш; | | 4. Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | | |
| | | 22.2. Амалдаги қонун ҳужжатларига оилавий зўравонлик учун жиноий жавобгарликни белгиловчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш. | 1. Миллий қонунчилик ҳамда халқаро тажриба ва амалиётни ўрганиш.<br>2. Оилавий зўравонлик учун жиноий жавобгарлик белгиловчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида таҳлилий маълумот тайёрлаш.<br>3. Ушбу масала бўйича умумлаштирилган хулосани киритиш. | 2024 йил январь<br>февраль<br>март | Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Судьялар олий мактаби, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Республика суд-тиббий экспертизаси илмий-амалий маркази, «Мадад» нодавлат-нотижорат ташкилоти |
| **18.** | b) хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунни ва бошқа тегишли миллий қонун ҳужжатларини гендер асосидаги зўравонликнинг барча турларини қамраб олиш лозимлиги, шунингдек уларнинг айрим гуруҳлари нуқтаи назаридан, қайта кўриб чиқиш; | 22.3. Қонунчиликка хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида гендер зўравонлик учун жиноий жавобгарлик белгиловчи нормаларни киритиш масаласини ўрганиш | 1. Миллий қонунчилик ҳамда халқаро тажриба ва амалиётни ўрганиш.<br>2. Таҳлилий маълумотнома тайёрлаш.<br>3. Ушбу масала бўйича умумлаштирилган хулосани киритиш. | 2023 йил август<br>сентябрь<br>октябрь | Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси |
| | | 22.4. Ўқувчи-ёшларга нисбатан жисмоний тазйиқ ўтказганлик, зўравонлик содир этганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш. | 1.Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини тайёрлашни ташкилий-техникавий таъминлаш, зарур таҳлилий материаллар ва ахборот тўплаш.<br>2.Қонун лойиҳаси концепциясини тайёрлаш.<br>3.Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий ва бошқа | 2023 йил август<br>сентябрь | Адлия вазирлиги, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | зарур экспертизалардан ўтказиш.<br>4.Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | декабрь | |
| **19.** | с) номусга тегишни куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишга эмас, балки розилик йўқлиги асосида таърифланиши нуқтаи назаридан ўзгартириш; | 22.5. Халқаро стандартларга мувофиқ Жиноят Кодексининг 118-моддасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 1. Илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда «номусга тегиш» таърифини ҳуқуқий таҳлилини ўтказиш.<br>2. «Номусга тегиш» тарифининг халқаро стандартларга тўлиқ мос келишини таъминлаш мақсадида қонунчиликка таклифлар ишлаб чиқиш.<br>3. Ушбу масала бўйича умумлаштирилган хулосани киритиш. | 2024 йил май<br><br>август | ИИВ, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Судьялар олий мактаби, Ҳуқукни муҳофаза қилиш академияси, ИИВ Академияси, Республика суд-тиббий экспертизаси илмий-амалий маркази, «Мадад» нодавлат-нотижорат ташкилоти |
| **20.** | d) ҳимоя ордерларининг ўз вақтида берилиши ва самарадорлиги, ижроси ва назоратини, ҳимоя қарорларининг ижросини таъминлаш, жумладан, оилавий зўравонлик ҳолатларида зарурат туғилганда чиқариб юбориш, шунингдек, бундай буйруқларни бажармаганлик учун тегишли тийиб турувчи жазо чораларини қўллаш; | 22.6. «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш. | 1. Қуйидагиларни назарда тутувчи «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги «Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш:<br>- тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордер суд томонидан бир йил муддатгача берилишини белгилаш;<br>- аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга | 2023 йил | Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | мажбурлаганлик учун жавобгарликни кучайтириш;<br>- яқин қариндоши бўлган хотин-қизга қасддан тан жароҳати етказганлик учун жавобгарликни кучайтириш;<br>- шахс ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи, шаъни ва номусини камситувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш;<br>2. Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | | |
| **21.** | е) хотин-қизларга нисбатан гендер зўравонлик, жумладан, оилавий ва жинсий зўравонликнинг барча шакллари тўғрисида хабар беришни рағбатлантириш, барча бундай ҳолатларни самарали текширилишини ва айбдорларни суд жавобгарлигига тортиш ҳамда тегишли санкцияларни киритиб жазоланишини таъминлаш; ярашттиришга эмас, балки жиноят ишини қўзғатишга устуворлик бериш ва чора кўрмаган ёки жабрланувчини ариза беришдан қайтарган ички ишлар ходимларини жавобгарликка тортиш; | 22.7. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари тўғрисида хабар беришни рағбатлантиришни мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани ўрганиш. | 1. Миллий қонунчиликни, шунингдек, халқаро тажриба ва хорижий мамлакатлар амалиётини ўрганиш.<br>2. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари тўғрисида хабар беришни рағбатлантиришни мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таҳлилий маълумот тайёрлаш.<br>3. Мазкур масала бўйича умумлаштирилган хулосани киритиш | 2023 йил январь<br><br>февраль<br><br>март | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, “Ижтимоий фикр” Маркази, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Судьялар олий мактаби, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Ички ишлар вазирлиги Академияси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 22. | f) хотин-қизларнинг одил судловдан фойдаланишини таъминлаш ҳамда ҳамёнбоп, лозим бўлганда, бепул ҳуқуқий ёрдам орқали гендер зўравонлик тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига шикоят билан мурожаат қилишни рағбатлантириш; даъвогарлар учун исботлаш юкини енгиллаштириш; суд экспертизасидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, шунингдек, гендер ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда тергов ва сўроқ усуллари борасида судьялар, прокурорлар, ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг малакасини оширишда давом этиш;<br>g) иштирокчи-давлат ҳудудида жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш хизматини, жумладан, туну-кун ишлайдиган "ишонч телефонлари», шароитларга эга яшаш жойи, тиббий хизмат, руҳий ижтимоий маслаҳат ва иқтисодий ёрдам орқали кучайтириш;<br>h) гендер зўравонликнинг барча шакллари, жумладан, оиладаги ва жинсий зўравонлик жиноят эканлиги, | 22.8. Хотин-қизларнинг одил судловдан фойдаланиши бўйича амалий чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш. | 1. Миллий қонунчилик, халқаро тажриба ва хорижий мамлакатлар амалиётини ўрганиш.<br>2. Хотин-қизларнинг одил судловдан фойдаланиши, гендер ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда тергов ва сўроқ усуллари борасида судьялар, прокурорлар, ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг малакасини ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш. | 2023 йил<br>март<br><br>апрель | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Судьялар олий мактаби, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Ички ишлар вазирлиги Академияси |
| | | 22.9. Юридик олий таълим муассасалари ўқув режа ва дастурларига «Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар билан ишлаш» мавзусини киритиш. | 1. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик натижасида вужудга келадиган низоларнинг сабабларини ўрганиш ва олдини олиш мақсадида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётини ўрганиш.<br>2. «Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар билан ишлаш» мавзуси бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқиш.<br>3. «Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар билан ишлаш» мавзусини юридик олий таълим муассасалари ўқув дастурларига киритиш. | 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб | Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бош прокуратура, Судьялар олий мактаби, Ички ишлар вазирлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | хотин-қизлар учун бундай ҳолатларни қасд олиш, тамға босиш ва қайта жабрланувчига айлантирилишдан қўркмай, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиш имкониятини яратилиши зарурлиги тўғрисида хабардорликни ошириш ишларини фаоллаштириш. | 22.10. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш Халқаро куни муносабати билан «Биз зўравонликка қаршимиз» мавзусида туркум тадбирларни ташкил этиш. | 1. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш Халқаро куни муносабати билан «Биз зўравонликка қаршимиз» мавзусида туркум тадбирларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш.<br>2. «Оилавий зўравонликнинг олдини олишдаги муҳим вазифалар» мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш.<br>3. Тарғибот ишларини барча таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллалар кесимида ташкил этиш.<br>4. Тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритиш. | 2022-2023 йй. октябрь<br>2022-2023 йй. ноябрь-декабрь<br>2022-2023 йй. | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси |
| | | 22.10. Аҳоли ўртасида оилавий зўравонликларнинг олдини олиш ва уларнинг салбий оқибатлари тўғрисида «Биз оилавий зўравонликка қаршимиз» мавзусида ижтимоий тармоқларда челленж ҳамда ижтимоий роликлар танловини ташкил қилиш. | 1. Ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар ҳамда «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзолари, блогерлар иштирокида ижодий гуруҳни шакллантириш.<br>2. Челленж сценарийси ва танлов низоми лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>3. Челленж ва танловни ташкил этиш. | 2022-2023 йй. октябрь<br>2022-2023 йй. ноябрь | Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маданият вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 4. Танлов иштирокчиларини тақдирлаш.<br>5. Тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш. | | |
| | | 22.11. Ёшлар ўртасида тазйиқ ва зўравонлик, оилавий ажралишлар ва шу каби салбий ҳолатлар бартараф қилишни ўрганиш бўйича социологик тадқиқот ўтказиш. | 1. Сўровнома лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Ёш оилалар ўртасида сўровномалар ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш. | 2023 йил апрель-май | Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, «Ижтимоий фикр» Маркази |
| | | 22.12. «Аёлларга ҳуқуқий мадад» туркумида оммабоп қўлланмаларни тайёрлаш. | 1.«Аёлларга ҳуқуқий мадад» туркумида оммабоп қўлланмалар тайёрлаш ва чоп этиш.<br>2.Қўлланмаларни хотин-қизларга, шу жумладан «Аёллар дафтари»га киритилган, ҳимоя ордери олган ёки зўравонликка учраган аёлларга бепул тарқатиш. | 2022 йил<br><br>2022-2023 йй. | Адлия вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги |
| | | 22.13. Давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг зўравонлик қурбонлари – хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш ва реабилитация жараёнларини ташкил этишда ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш. | 1. Идоралараро Ишчи гуруҳини тузиш.<br>2. Хорижий тажрибани инобатга олиб зўравонлик қурбонлари – хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш ва реабилитация қилишнинг замонавий услублари юзасидан таклифлар тайёрлаш. | 2023 йил | Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 3. Таклифларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш. | | |
| **Хотин-қизлар савдоси ва фоҳишаликдан фойдаланиш** | | | | | |
| **23.** | 24. Қўмита глобал миграция контекстида хотин-қизлар савдосига тегишли 38-сон (2020) умумий ҳамда аввалги тавсияларига (CEDAW/C/UZB/CO/5, 20-банд) эътиборни қаратиб, Иштирокчи-давлатга қуйидагиларни тавсия этади:<br>а) пахта йиғим-терими мавсумида ҳақ тўланмайдиган меҳнат амалиётини тақиқлаш; | 24.1. Мажбурий меҳнатга барҳам бериш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш | 1. Мазкур соҳада қабул қилинган қонунчилик ижросини мониторинг қилиш.<br>2. Мониторинг натижасига мувофиқ таҳлилий маълумот тайёрлаш.<br>3. Кўриб чиқиш учун Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясига киритиш. | 2023 йил сентябрь-октябрь<br>ноябрь<br>декабрь | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| **24.** | b) одам савдоси қурбонлари бўлган хотин-қизлар учун қўллаб-қувватлаш хизматларидан, хусусан, бошпана, ҳуқуқий маслаҳат ва жамиятга қайтиш дастурларидан тегишли равишда фойдаланиш имкониятини таъминлаш, бошпана тақдим этадиган ва жабрланувчиларга ёрдам кўрсатадиган ННТларнинг бинолар учун ҳамда коммунал хизмати учун тўловларини муносиб равишда молиялаштириш ёки уларга субсидия ажратиш; | 24.2. Узоқ муддатга яшаш жойидан чиқиб кетган шахслар, шу жумладан аёлларнинг оилаларини ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш. | 1. Маҳаллаларда жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда хонадонларни ўрганиб бориш.<br>2. Узоқ муддатга яшаш жойидан чиқиб кетган шахсларнинг оилалари ягона реестрини яратиш ва янгилаб бориш.<br>3. Чет элга чиқиб кетган шахсларнинг уйда қолган оила аъзолари, шу жумладан фарзандларининг турмуш тарзини ўрганиш, доимий манзилли қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш *(тарбияси оғир бўлган болалар билан ишлаш, психологик ёрдам, тўгаракларга жалб этиш ва бошқалар).* | 2022-2023 йй.<br>доимий<br>2022-2023 йй. | Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **25.** | c) хотин-қизлар савдосига оид барча ҳолатлар тергов қилиниши ва жиноий жавобгарликка тортилишини, айбдорларнинг муносиб жазоланишини, судланганларнинг жазони ўташини таъминлаш; | 24.3. Хотин-қизларнинг савдоси билан боғлиқ барча ҳолатлар тергов қилиниб, айбдорлар жиноий жавобгарликка тортилиши учун амалий чоралар кўриш. | 1. Ҳар бир ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилган ҳолда, айбланувчини жалб этиб, ҳар томонлама ва тўлиқ тергов ўтказилишини, шунингдек, жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини таъминлаш. | 2023 йил | Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси |
| | | | 2. Одам савдосига қарши курашиш йўналиши бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар ижросини мониторинг қилиш ва мониторинг якунлари юзасидан таҳлилий маълумот тайёрлаш ҳамда Миллий комиссияга киритиб бориш. | 2023 йилдан бошлаб (ярим йилда бир марта | |
| | | | 3. Мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан одам савдосига қарши курашиш бўйича кўрилаётган чоралар самарадорлигини миллий комиссия йиғилишида танқидий муҳокама қилиб бориш. | ҳар йили | Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссияси |
| **26.** | d) одам савдоси қурбонлари тўғрисидаги маълумотни ёши, жинси, миллати, шунингдек, савдонинг тури кесимида тизимли равишда йиғиш ва таҳлил қилишни таъминлаш; | 24.4. Одам савдоси тўғрисидаги маълумотлар йиғиш ва таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш. | 1. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги «Одам савдоси соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона ахборот базасини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 708-сонли қарорида | 2023 йил | Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш. | | |
| **27.** | е) одам савдоси қурбони бўлиш хавфи тўғрисида хабардорликни ошириш кампанияларини ташкил этиш, мигрант хотин-қизларга жўнаб кетишидан аввал даромад олиш имкониятларини, молиявий ёрдам, ҳуқуқий ёрдам, ишонч телефонлари ва жўнаб кетишдан олдин билиш лозим бўлган ахборотдан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш; | 24.5. Одам савдосидан жабрланган аёлларни ижтимоий реабилитация қилиш жараёнларини ташкил қилишда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш. | 1. Идоралараро ишчи гуруҳни тузиш.<br>2. Хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, одам савдосидан жабрланган аёлларни ижтимоий реабилитация қилишнинг замонавий услублари бўйича таклифларни тайёрлаш.<br>3. Таклифларни амалга ошириш чора-тадбирларини белгилаш, Миллий комиссияга маълумот тақдим этиш. | 2022-2023 йй. | Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги,<br>Ички ишлар вазирлиги,<br>Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси,<br>Бош прокуратура |
| | | 24.6.Аҳолини одам савдосининг салбий омиллари тўғрисида хабардорлигини ошириш юзасидан ахборот кампаниясини ташкил этиш. | 1. Аҳоли ўртасида, шунингдек, маҳаллаларда, таълим муассасаларида меҳнат жамоаларида, одам савдосининг олдини олишга қаратилган кенг қамровли ахборот-тарғибот ишларини олиб бориш бўйича медиа режа ишлаб чиқиш.<br>2. Аҳоли гавжум жойларда мавзуга тааллуқли баннерлар ўрнатилиши, аҳоли ўртасида буклет, флаер ва бошқа тарқатма материаллар тарқатилишини телевидение орқали ижтимоий роликлар бериб борилишини ташкил этиш. | 2023 йил май<br><br>2023 йил июнь ойидан бошлаб доимий | Ички ишлар вазирлиги,<br>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,<br>Касаба уюшмалари Федерацияси,<br>“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси,<br>МТРК,<br>АОКА,<br>ЎзА |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 3. Одам савдосига қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан телерадиоканалларда, босма нашрларда, миллий ва хорижий веб-сайтлар, ижтимоий тармоклар орқали маълумотлар бериб борилишини таъминлаш.<br>4. Одам савдосига қарши курашиш, мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларига каратилган ижтимоий роликлар тайёрлаш ва марказий телеканаллар орқали шунингдек, аэропорт, вокзал ва чегара назорат постларида намойиш этилишини таъминлаш.<br>6. Мавзуга оид буклет, флаер, рисола, қўлланма ва плакатлар тайёрлаш ва тарқатиш ҳамда аҳоли гавжум жойларга, аэропорт, вокзал ва чегара назорат постларига ўрнатилишини ташкил этиш. | ҳар ойда<br>май ойидан бошлаб доимий<br>июнь | |
| **28.** | f) тижорий мақсадда амалга ошириладиган фоҳишалик хизматларига бўлган талабни пасайтириш, хусусан, кенг жамоатчилик, эркаклар ва йигитлар орасида маърифий ва хабардорликни ошириш | 24.7. Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш. | 1. Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга мухтож бўлган хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш. | 2023 йил 1-чорак | Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | кампанияларни ташкил этиш, хотин-қизларни бўйсундириш ва уларга истеъмолчилик муносабатида бўлишнинг барча шаклларига қарши курашиш; | | 2. Хотин-қизлар, шу жумладан, ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган аёлларнинг муаммоларини ҳал этишнинг молиявий манбаларини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.<br>3. Аниқланган муаммоларнинг ечими бўйича амалий чора-тадбирларни белгилаш. | | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги |
| | | 24.8. Хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашишнинг мазмун-моҳиятини хотин-қизларга тушунтириш мақсадида «Одам савдоси – давр муаммоси» тарғибот тадбирларини амалга ошириш. | 1. Тарғибот материаллари (маъруза матни, тақдимот, тарқатма материал, кўргазмали тарғибот воситалари) ни тайёрлаш ва жойларга етказиш.<br>2. Тарғибот тадбирларини барча таълим муассасаларида, корхона-ташкилотлар ва маҳаллаларда ўтказиш.<br>3. Ўтказилган тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиш. | 2022-2025 йй. | Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| **29.** | g) фоҳишалик билан шуғулланишни ташлаш истагида бўлган хотин-қизларга ёрдам дастурларини ва даромад олишнинг муқобил имкониятларини таъминлаш. | 24.9. Республиканинг барча ҳудудларида одам савдоси ҳолатларининг асосий сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида, одам савдоси ва фоҳишабозлик билан шуғулланувчи хотин-қизлар эксплуатацияси масалаларида тадқиқот ўтказиш. | 1. Тадқиқот ўтказиш учун саволнома ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Тадқиқот ўтказиш.<br>3. Тадқиқот натижалари бўйича таҳлилий маълумот тайёрлаш ва Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссияга кўриб чиқиш учун киритиш. | 2023 йил апрель<br>май<br>июнь | «Ижтимоий фикр» Маркази, Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 4. Фоҳишалик билан шуғулланишни ташлаш истагида бўлган хотин-қизларга ёрдам дастурларини ва даромад олишнинг муқобил имкониятларини таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссияга кўриб чиқиш учун киритиш. | август | |
| **Сиёсий ва жамоат ҳаётида иштирок** | | | | | |
| **30.** | 26. Қўмита сиёсий ва жамоат ҳаётида хотин-қизлар борасидаги 23-сон (1997) умумий тавсиясига эътиборни қаратиб, Иштирокчи-давлатга қуйидагиларни тавсия этади:<br>а) мақсадли чоралар, жумладан, квоталарни ошириш ва кампанияларни махсус молиялаштириш каби вақтинчалик махсус чоралар қабул қилиш учун, ҳокимиятнинг барча даражаларида, Олий Мажлисда, маҳаллий Кенгашларда, суд тизимида, фан-таълим, дипломатик хизмат, сиёсий соҳасида хотин-қизларнинг вакиллигини ошириш мақсадида сайлов қонунчилигига ўзгартириш киритиш; | Сайловга оид қонун ҳужжатларига гендер тенглигини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш: | 1. **Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига** қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш:<br>барча ҳолларда комиссия раисларини сайлашда ва тайинлашда гендер баланси тамойилларига риоя қилиш;<br>округ сайлов комиссиялари раислигига номзодларни тавсия этишда гендер баланси тамойилларига риоя қилиш;<br>участка сайлов комиссиялари раислигини белгилашда гендер баланси тамойилларига риоя қилиш.<br>2. **«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси** | 2023 йил<br>II чорак<br><br>III чорак | Адлия вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, манфаатдор вазирлик<br>ва идоралар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | **Қонунига** қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш:<br>референдум ўтказувчи округ комиссияси раислигига номзодларни тавсия этишда гендер баланси тамойилларига риоя қилиш;<br>референдум ўтказувчи участка комиссияси раиси ва раис ўринбосарини тайинлашда гендер баланси тамойилларига риоя қилиш.<br>3. **«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига** қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш:<br>Қонунчилик палатасининг қўмиталари ва комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритишда гендер баланси тамойилларига риоя қилиш;<br>давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар юзасидан таклифлар киритишда гендер баланси тамойилларига риоя қилиш.<br>4. Тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва | IV чорак | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | қўшимчалар киритиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.<br>5. 2022-2023 йилларда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Инвестициялар ва ташқи савдо, Молия вазирликлари ва Давлат солиқ қўмитаси ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар ходимлари орасида хотин-қизлар улушини ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш. | 2022-2023 йиллар | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси |
| **31.** | b) сиёсатда хотин-қизларга нисбатан салбий муносабат ва камситувчи хатти-ҳаракатга қарши курашиш чораларини кўриш, хусусан, мактабларда, Олий Мажлис ва кенг жамоатчилик орасида ахборот ҳамда маърифий кампанияларни ўтказиш; | 26.2. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатларини кенг тарғиб қилиш. | 1. Давлат бошқаруви академияси, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда халқаро ҳамкорлар билан гендер масалалари бўйича тренерларни тайёрлаш.<br>2. Тренерлар иштирокида «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазмун-моҳиятини тизимли равишда аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича гуруҳ шакллантириш. | 2023 йил март | Оила ва хотин қизлар давлат қўмитаси,<br>Адлия вазирлиги,<br>Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги,<br>Давлат бошқаруви академияси,<br>Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги,<br>Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 26.2.1. Ахборот маконида аёлларнинг ижобий тимсолини яратиш, шунингдек уларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги салмоқли ҳиссаларини кўрсатиб бериш. | 3. Ҳудудларда тарғибот тадбирларини ташкил қилиш жадвалини ишлаб чиқиш.<br>4. Маҳаллаларда, таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда, шу жумладан, ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали тарғибот тадбирлари ўтказиш.<br><br>5. «parl.uz» сайтида **«Аёл сўзи. Қонун»** рукнини ишга тушириш ҳамда давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган хотин-қизлар, шу жумладан аёл депутат ва сенаторлар иштирокида туркум мақола ҳамда интервьюлар эълон қилиб бориш. | 2023-2024 йй.<br><br>2023 йилнинг январь ойидан бошлаб | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Ахборот соҳасини ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши,<br>Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Парламент ахборот маркази |
| | | 26.3.«Раҳбар аёллар мактаби» ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | 1. Давлат бошқаруви академияси томонидан «Раҳбар аёллар мактаби» ўқув дастурини ишлаб чиқиш.<br>2. Миллий кадрлар захирасига олинган хотин-қизларни Давлат бошқаруви академиясида босқичма-босқич ўқитиш.<br>3. Ўқувларни муваффақиятли тамомлаган хотин-қизларнинг «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари ҳисобидан илғор хорижий давлатларда амалиёт (стажировка) ўташини ташкил этиш. | 2022 йил<br><br>2022-2023 йй. жадвал асосида | Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги,<br>Давлат бошқаруви академияси,<br>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, «Эл-юрт умиди» жамғармаси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 4. Раҳбарлик лавозимларига Миллий кадрлар захирасидан номзодларни тавсия этишда хотин-қизларнинг номзодларини инобатга олиш тизимини жорий этиш. | доимий | |
| | | 26.4. «Гендер-мадад» электрон ҳуқуқий маслаҳат платформасини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш. | 1. «Гендер-мадад» электрон ҳуқуқий маслаҳат платформасини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.<br>2. Платформа орқали гендер масалалари бўйича ҳуқуқий нормаларни содда ва халқчил тилда аҳолига етказиш ҳамда онлайн маслаҳатни йўлга қўйиш. | 2022-2023 йй. | Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, «Мадад» нодавлат нотижорат ташкилоти |
| **32.** | c) хотин-қизларни давлат ва дипломатик хизматга қабул қилишда имтиёзлар жорий этиш, бунда, айниқса, тушкунлик ҳолатидаги ва четлаштирилган хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратиш; | 26.5. Давлат органлари ва ташкилотларида ягона кадрлар бўлинмалари рейтингини юритиш, гендер тенглик ҳамда хотин-қизлар учун шарт-шароитлар яратилганлигини баҳолаш. | 1. Давлат органлари ва ташкилотларида фаолият олиб бораётган хотин-қизларга яратилган шарт-шароитларни ўрганиш (ижтимоий сўровнома ва бошқалар орқали).<br>2. Кадрлар бўлинмалари рейтингини жорий этишда гендер бўйича тегишли кўрсаткичларни инобатга олиш. | 2023 йилдан ҳар чорак якунида<br><br>2023 йилдан йил якунида | Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги |
| **33.** | d) сиёсий партиялардан ўз сайлов рўйхатларига тенг миқдордаги хотин-қизлар ва эркак номзодларнинг навбатма-навбат жойлаштирилишини талаб қилиш; | 26.6. Сиёсий партияларнинг марказий ва маҳаллий органлари, барча даражадаги халқ депутатлари Кенгашлари ходимларининг лавозимларга кўтарилишида хотин-қизларнинг эркаклар | 1. Сиёсий партияларнинг марказий ва маҳаллий органлари кадрлар таркиби, барча даражадаги халқ депутатлари Кенгашлари депутатларининг лавозимларга кўтарилишида хотин-қизларнинг эркаклар | 2023 йил январь-март | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП), ЎзМТДП, «Адолат» СДП, ЎзХДП, Ўзбекистон Экологик партияси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | билан тенг мақоми таъминланишини аниқлаш юзасидан таҳлил ўтказиш. | билан тенг мақомини аниқлаш мақсадида таҳлил ўтказиш.<br>2. Ўрганиш натижалари асосида қарор қабул қилиш даражасида хотин-қизларнинг вакиллигини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.<br>3.Таҳлил натижаларини Марказий Кенгаш йиғилишида муҳокама қилиш ва тегишли қарор қабул қилиш. | | |
| | | 26.7. Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг сонини (50/50) хисобга олган ҳолда номзодлар рўйхатларини шакллантиришни ҳамда уларнинг сиёсий партиялардан депутатликка номзод сифатида кўрсатилишини таъминлаш. | 1. Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг сонини кўрсатган ҳолда номзодлар рўйхатини шакллантириш.<br>2. Номзодлар рўйхатини тасдиқлаш. | 2023 йил<br><br>2024 йил сентябрь | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП), ЎзМТДП, «Адолат» СДП, ЎзХДП, Ўзбекистон Экологик партияси |
| **34.** | е) иштирокчи-давлатда, сиёсий кампаниялар ташкил этиш, раҳбарлик қилиш ва музокара олиб бориш каби соҳаларда сиёсатчи ва номзод хотин-қизларнинг малакасини оширишни таъминлаш, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан биргаликда сиёсатчилар, журналистлар, дин етакчилари, жамоат арбоблари ҳамда кенг жамоатчилик орасида сиёсий | 26.8. Давлат бошқарувининг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган фаол хотин-қизларнинг касбий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни раҳбарликка тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси | 1. Давлат бошқаруви академияси ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан раҳбарликка захирадаги хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари ҳамда бошқарув кўникмаларини ошириш бўйича ўқувларни ташкил этиш.<br>2. Ўқув дастурларига маънавий қиёфани ўзгартириш, режалаштириш, жамоани шакллантириш, | 2022-2023 йй. | Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Давлат бошқаруви академияси, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | барқарорлик ва иқтисодий тараққиётга эришишнинг зарур шарти сифатида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг равишда тўлиқ, мустақил ва демократик тарзда жамоат ва сиёсий ҳаётда иштирок этишини аҳамияти тўғрисида хабардорликни ошириш;<br>f) хусусий сектордаги раҳбарлик лавозимларида ишлаётган хотин-қизларнинг малакасини оширишни таъминлаш, хусусий секторда хотин-қизларнинг раҳбарлик лавозимларида иштироки муҳимлиги тўғрисида ахборот бериш. | тизимида қисқа муддатли ўқувларни ташкил этиш. | лидерлик ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш мавзуларини киритиш. | | |
| | | 26.9. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш, уларда сиёсий тарғибот олиб бориш кўникмаларини шакллантириш бўйича сиёсий партияларнинг дастурларини қабул қилиш. | 1. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш, уларда сиёсий тарғибот олиб бориш, сиёсий кампаниялар ташкил этиш кўникмаларини шакллантириш бўйича сиёсий партияларнинг дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Дастурнинг ижросини таъминлаш. | 2023 йил январь<br>февраль ойидан бошлаб | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП), ЎзМТДП, «Адолат» СДП, ЎзХДП, Ўзбекистон Экологик партияси |
| | | 26.10. Илм-фан соҳасида хотин-қизлардан раҳбар кадрларни тайёрлаш ва раҳбарликка тайинлаш. | 1. Илм-фан ва таълим соҳасида раҳбар хотин-қизларнинг инновацион бошқарув компетенциясини ривожлантириш мақсадида «Инновацион менежмент» дастури асосида ўқув курсини ташкил этиш.<br>2. Инновацион менежмент ўқув курсида раҳбарлик лавозимлари захираси учун ўрта бўғин раҳбар ходимлари (кафедра мудирлари, бўлим бошлиқлари)ни, инновацион фаолият билан банд бўлган ташкилий тузилмалар ходимларини ўқитиш.<br>3. «Инновацион менежмент» ўқув курсини муваффақиятли | 2023 йил | Инновацион ривожланиш вазирлиги,<br>Фанлар академияси,<br>Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги,<br>тасарруфида таълим ва илмий ташкилотлари мавжуд вазирлик ва идоралар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | тамомлаган раҳбар ҳамда ўрта бўғин раҳбар ходимлари учун хорижий давлатларга мақсадли стажировкалар ташкил этиш.<br>4. «Инновацион менежмент» дастури асосида малака оширган хотин-қизлар рўйхатини Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг mo.argos.uz порталига киритиб бориш. | | |
| **Фуқаролик** | | | | | |
| **35.** | 28. Қўмита хотин-қизларнинг қочоқлик мақоми, бошпана, фуқаролик ва фуқароликсиз бўлишнинг гендерга боғлиқ жиҳатларига тегишли 32-сон (2014) умумий тавсияга диққатни қаратиб, Иштирокчи-давлатга қуйидагиларни тавсия этади:<br>a) Фуқаролик тўғрисидаги қонунга қўшимча ва ўзгартишлар киритиб, Ўзбекистон худудида туғилган, акс ҳолда фуқаросиз бўлиб қолиши мумкин болаларга фуқаролик бериш, фуқароликни йўқотиш, ёки бошқа фуқароликни олиш, ҳамда акс холда фуқароликсиз бўлиб қолиши мумкин бўлган хотин-қизларга фуқароликни қайта олишни рухсат этишни;<br>b) Иштирокчи-давлат худудида туғилган қиз бола ва ўғил болалар туғилганда рўйхатга олиниши ва уларга ота-оналарининг розилиги | 28.1. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 1. Илғор хорижий тажрибани ўрганиш.<br>2. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунга БМТ Қўмитасининг a, b, c тавсиялар бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритишнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш. | 2023 йил март<br><br>апрель | Адлия вазирлиги, Болалар Омбудсмани, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | ёки фуқаролиги, доимий яшаш жойи ва оилавий ҳолатидан қатъий назар Ўзбекистон фуқаролигини ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар олишни таъминлаш, фуқароликни йўқотиш ёки ундан воз кечиш имкони бошқа фуқаролик борлиги ёки уни олиш ҳолатида бўлиши чораларини кўриш;<br>с) халқаро норма ва стандартларга мос миллий бошпана тизимини яратиш, бошқа тегишли қонун ҳужжатларини бошпана изловчиларга ва қочоқ хотин-қизларга ҳимоя ҳамда асосий хизматлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш; | | | | |
| **36.** | г) 1954 йилдаги Фуқаролиги бўлмаган шахслар мақомига тегишли конвенцияни ва 1961 йилги Фуқаросизликни қисқартириш тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш. | 28.2. Белгиланган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга Ўзбекистоннинг қўшилиши мақсадга мувофиқлиги масаласини ўрганиш. | 1. 1954 йилдаги Фуқаролиги бўлмаган шахслар мақомига тегишли конвенцияни ва 1961 йилги Фуқаросизликни қисқартириш тўғрисидаги конвенцияларга қўшилиш истиқболлари нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва амалиёт бўйича таҳлилий маълумот тайёрлаш.<br>2. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларни ратификация қилишнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини | 2022-2023 йй.<br><br>2023 й.<br>III-чорак | Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | эксперт ўрганиш ва тегишли таклифлар ишлаб чиқиш.<br>3. Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган хулоса киритиш. | 2023 йил IV-чорак | |
| **Таълим** | | | | | |
| **37.** | 30. Қўмита хотин-қизларнинг таълим олиш ҳуқуқига тегишли 36-сон (2017) умумий тавсияси ва аввалги тавсияларига (CEDAW/C/UZB/CO/5, 24-банд) диққатни қаратиб, Иштирокчи-давлатга қуйидагиларни тавсия этади:<br>а) қизларни бошланғич, ўрта ва ўрта махсус, олий таълим билан қамраб олишни, жумладан ота-оналар ҳамда диний ва жамоат етакчиларига қаратилган қизларнинг таълимнинг барча босқичларида ўқиши, уларнинг мақоми юксалиши учун асос сифатида муҳимлиги тўғрисида ахборот кампаниялар ташкил этиш, таълимнинг бевосита ва билвосита харажатини қоплаш учун даромади паст оилаларга молиявий ёрдам кўрсатиш орқали таъминлаш; | 30.1. Хотин-қизларга таълим олишлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг илмий салоҳияти ва малакасини тизимли ошириб боришни қўллаб-қувватлаш. | 1. Олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан сиртқи ва кечки таълим шаклида ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатга фоизсиз таълим кредитларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларига Давлат бюджетидан ҳар йили 1,8 триллион сўм ресурс маблағлари йўналтириш.<br>2. Давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизлар-нинг контракт тўловларини қайтариш шартисиз қоплаш мақсадида, Давлат бюджетидан ҳар йили камида 200 миллиард сўм ажратиш.<br>3. Хорижий олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим дастурлари бўйича - 50 нафар, магистратура таълим дастурлари бўйича - 10 нафар хотин-қизларга ҳар йили «Эл-юрт умиди» жамғармаси | 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб (ҳар йили)<br><br>2022 йил 1 сентябрга қадар (ҳар йили)<br><br>2022 йил 1 октябрга қадар (ҳар йили) | Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Эл-юрт умиди» жамғармаси, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Давлат тест маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | орқали қўшимча грантлар ажратиш. | | |
| | | | 4. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда — Қўмита) тавсияларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан 150 нафардан жами 2 100 нафар ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим контрактлари маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қайтариш шартисиз қоплаб бериш. | 2022-2026 йй. | |
| | | | 5. Мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган 500 нафар хотин-қизларни ҳар йили Қўмита тавсияномаларига асосан давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига умумий қабул параметрларидан ташқари алоҳида тест синовлари натижаларига мувофиқ тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш амалиётини жорий этиш. | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 6.Давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари докторантурасига хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратиб бериш. | | |
| | | 30.2. Қизлар ўртасида олий таълим ва касб-ҳунар таълимини олишнинг нуфузи бўйича тарбиявий ишларни олиб бориш. | «Бир миллион дастурчи» лойиҳасида иштирок этадиган хотин-қизлар сонини 30 фоизга етказиш. | 2022/2023 ўқув йилидан | Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги |
| **38.** | б) қизлар мактабни ташлашларининг сабабларини, жумладан ўсмирлар билан никоҳ, мажбурий турмуш қуриш ва эрта ҳомиладор бўлиш туфайли ўқишни ташлашларини бартараф этиш, ёш оналар фарзанд кўргандан сўнг таълим олишни тугатиш, аттестатга эга бўлиш ва олий таълимга ёки бандликка имкониятни қўлга киритиш мақсадида мактабга қайтишлари мумкинлигини таъминлашни | 30.3. Таълим муассасаларининг ўқув режасига жинсий ва репродуктив саломатлик ва ҳуқуқлар бўйича курсларни киритиш | 1. Ўқув курслари концепцияси, модулини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Экспертлар гуруҳини шакллантириш.<br>3. Тарқатма материаллар, тақдимотлар, видеороликлар тайёрлаш.<br>4. Барча мактаб, лицей ва коллежларда ўқув курсларини жорий этиш. | 2023 йил февраль<br><br>2022/2023 ўқув йили | Халқ таълими вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| | | 30.4. Таълим соҳасидаги глобал муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида «Таълим – келажак пойдевори» мавзусида мактаб ўқувчилари учун видеороликлар ишлаб чиқиш. | 1. Материалларни йиғиш ва тайёрлаш.<br>2. Видеоролик ишлаб чиқиш.<br>3. Видеоролик намойишини ташкил этиш. | 2023 йил февраль-март<br><br>апрелдан бошлаб | Халқ таълими вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси |
| **39.** | в) Қуйидагиларни ишлаб чиқиб мактаб ўқув дастурларига киритиш: (i) гендер тенглик, жумладан хотин-қизлар ҳуқуқлари, жамият ҳаётидаги етакчи | 30.5. Олий таълим тизимида дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, ўқув материаллари ва бошқа босма нашрларнинг гендер | 1. Олий таълим тизимидаги дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, ўқув-методик қўлланмалар ва бошқа босма нашрларнинг гендер | 2023 йил сентябрь-ноябрь | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | хотин-қизлар ва гендер қолиплар, гендер асосидаги зўравонлик, аёллар ва қизларга қарши камситишнинг зарарли таъсири тўғрисида мазмунли ва ҳаммабоп ахборотни, ва (ii) таълимнинг барча босқичларида масъулиятли жинсий хатти-ҳаракат, эрта ҳомиладорликнинг ва жинсий йўл билан ўтадиган касалликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор бериб ёшга мос жинсий соҳага доир маърифатни. | экспертизасини ташкил этиш. | экспертизаси натижаларини таҳлил қилиш.<br>2. Гендер экспертиза натижалар асосида таълимнинг барча босқичларида ёшга мос жинсий тарбияни амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш | | |
| | | 30.6. Эрта ҳомиладорлик ва жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг олдини олиш бўйича онлайн платформани ишлаб чиқиш ва ишга тушириш. | 1. Онлайн платформани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Онлайн платформа учун контент тайёрлаш.<br>3. Онлайн платформани ишга тушириш ва кенг тарғибот қилиш. | 2023 йил октябрь<br><br>ноябрь | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, |
| | | 30.7. Болалар ва айниқса, ёшларга, таълим муассасаларида оилавий зўравонлик қурбони ёки гувоҳи бўлган аёлларга қаратилган мавжуд стратегия ва дастурларни илгари суриш ва амалга оширишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш. | 1. Тренерлар учун камситиш ва зўравонлик қурбонлари билан ишлаш бўйича ўқув курсларини ўтказиш.<br>2. Ҳар бир ҳудудда профессор-ўқитувчиларни тайёрлаш ва ўқитиш учун гуруҳ тайёрлаш.<br>3. Ўқитилган ходимларнинг ишини назорат қилиш. | 2024 йил январь<br><br>март<br><br>апрель | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги |
| **40.** | д) таълим тизимининг барча босқичларида ишловчи ўқитувчилар учун хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенгликка доир тайёргарликни таъминлаш, шунингдек камситувчи гендер қолипларни бартараф этишни назарда тутиб мактаб | 30.8. Гендер бўйича камситувчи стереотипларни бартараф этиш мақсадида мактаб дарсликлари, ўқув дастурлари ва ўқув материалларини таҳлил қилиш | 1. Мактаб дарсликлари, дастурлари ва ўқув-услубий материаллар таҳлилини ўтказиш.<br>2. Таҳлил натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш ва муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш. | 2023 йил март | Халқ таълими вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | дарсликлари, ўқув дастурлари ва ўқитиш материалларини қайта кўриб чиқишни | 30.9. Таълим тизимининг барча босқичларида ишловчи ўқитувчилар учун аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенглиги масалалари бўйича ўқув курсларини ташкил этиш | 1. Ўқув курслари дастурини, модулини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Тақдимотлар, тарқатма материаллар тайёрлаш.<br>3. Ўқув курсларини ўтказиш. | 2023 йил январь<br>февраль<br>2023 йилнинг мартдан бошлаб | Халқ таълими вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, А.Авлоний номидаги Педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш илмий-тадқиқот институти |
| **41.** | е) Аёллар ва қизлар фан, техника, инженерлик, математика ва ахборот ва коммуникация технологияси каби одатий бўлмаган ўқиш соҳаларини танлашлари учун мувофиқлаштирилган чоралар кўриш, жумладан профессионал фаолият бўйича маслаҳат, таълим билан боғлиқ билвосита харажатларни қоплаш учун субсидиялар тўлашга таяниш орқали. | 30.11. Хотин-қизлар томонидан фан, техника, муҳандислик, математика ва ахборот ва коммуникация технологиялари каби ноодатий бўлган касбларни танлашлари учун тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш. | 1. Ноодатий техника соҳаларида муваффақиятга эришган аёллардан ишчи гуруҳларни тузиш.<br>2. Маҳаллаларда ота-оналар, умумтаълим мактаблари ўқувчилари билан учрашувлар, тушунтириш ишларини ташкил этиш. | 2023-2025 йй. октябрь | Халқ таълими вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги |
| | | | **Бандлик** | | |
| **42.** | 32. Бандлик соҳасида ривожланиш хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда меҳнат соҳасида тенглик билан чамбарчас боғлиқ бўлишини эслатган ҳолда, Қўмита Иштирокчи-давлатга, бандлик сиёсатини гендер тенглигини нуқтаи назаридан қайта йўналтириш ва унинг натижаларга, ўлчанадиган кўрсаткичларга асосланганлигини таъминлаш, | 32.1. Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминланганлик ҳолатини ўрганиш. | 1. Ташкилотларда хотин-қизларга меҳнат шароитлари яратилганлиги, уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш ва бошқа меҳнат ҳуқуқлари таъминлаганлик ҳолатини ўрганиш.<br>2. Ўрганиш натижалари юзасидан қонунчилик ва ҳуқуқий амалиётни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2022-2023 йй. | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерацияси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | хусусий сектор билан ҳамкорлик ва барча соҳаларда, жумладан, инновацион сектор ва ахборот-коммуникация технологиялари секторида касбий тайёргарлик имкониятларини яратишни тавсия этади. Шунингдек, у аввалги тавсияларига (CEDAW/C/UZB/CO/5, 26-банд) эътиборни қаратиб, Иштирокчи-давлатга қуйидагиларни тавсия этади:<br>а) раҳбарлик лавозимларини эгаллаш ҳуқуқига эга хотин-қизларнинг кадрлар захирасини шакллантириш Ҳаракатлар режаси қабул қилинишини тезлаштириш; | 32.2. Давлат бошқарувида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш дастурининг ижросини таъминлаш. | 1. Давлат бошқарувида хотин-қизлар фаоллигини ошириш дастури бажарилишини мониторинг қилиб бориш.<br>2. Мониторинг натижаларини Республика комиссияси мажлисларида муҳокама қилиб бориш. | 2022-2023 йй. | Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси,<br>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси,<br>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги |
| **43.** | b) хотин-қизлар расмий иш билан таъминланиши учун имкониятларни кенгайтириш мақсадида чора-тадбирлар белгилаш, жумладан, касбий тайёргарликни амалга ошириш орқали, одатда, эркаклар касби ҳисобланган касбларда раҳбарлик ва юқори иш ҳақи тўланадиган лавозимларга, миллий ва маҳаллий ҳокимликларда раҳбарлик лавозимларини эгаллашга, хотин-қизларни ишга қабул қилишда уларга афзаллик бериш, шаҳарлар ва қишлоқ жойларда болаларни парвариш | 32.3. Ишсиз хотин-қизларни бўш (вакант) ва захираланган (квота) иш ўринларига ишга жойлаштириш чораларини кўриш. | 1. Ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш.<br>2. Чора-тадбирлар доирасида:<br>-ишсиз хотин-қизлар базасини шакллантириш;<br>-мавжуд бўш ва захираланган (квота) иш ўринларини таклиф этиш ва ишга жойлашиш учун йўлланмалар бериш;<br>-хизмат кўрсатиш ва сервис, саноат (хусусан енгил саноатда) ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида хотин-қизлар бандлигига | 2023 йил | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,<br>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги,<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | қилиш, мактабгача таълим хизматларининг сони ва сифатини ошириш, шунингдек аёллар бандлигига COVID-19 пандемиясининг таъсирини юмшатиш орқали эришиш; | | кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратиш. | | |
| **44.** | c) хотин-қизлар кўплаб банд бўлган секторларда иш ҳақини мунтазам кўриб чиқиш йўли билан иш ҳақидаги фарқларни бартараф этиш қоидасини самарали жорий этиш, жумладан, ишни гендерга нейтрал таҳлилий таснифлаш ва баҳолаш усуллари, иш ҳақини мунтазам кўриб чиқиш йўли билан ҳақ тўлашда гендер фарқни ёпиш учун чоралар кўриш; | 32.4. Бир хил қимматга эга меҳнат учун бир хил ҳақ тўланиши принципи таъминланишини ҳолатини ўрганиш. | 1. Хотин-қизлар кўплаб банд бўлган секторларда, бир хил қимматга эга меҳнат учун бир хил ҳақ тўланиши принципи таъминланиши ҳолатини ўрганиш.<br>2. Ўрганиш натижаларига кўра Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига иш ҳақидаги фарқларни бартараф этиш, жумладан, ишни гендерга нейтрал таҳлилий таснифлаш ва баҳолаш усуллари, иш ҳақини мунтазам кўриб чиқиш йўли билан ҳақ тўлашда гендер фарқни ёпиш учун чоралар кўриш бўйича таклифлар киритиш. | 2023 йил январь-февраль<br><br>март | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,<br>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси,<br>Касаба уюшмалари Федерацияси |
| **45.** | d) хотин-қизларга муайян касбларни эгаллаш ва фаолият турлари билан шуғулланишни чекловчи рўйхатни қайта кўриб чиқиш; хотин-қизлар учун шундай касбларни эгаллашни осонлаштириш; чекловлар барча хотин-қизларга нисбатан | 32.5. Меҳнат жамоаларида Ўзстандарт” агентлигидан 15.05.2021 йилда O'zDSt 3513:2021 рақами билан Давлат стандарти рўйхатидан ўтказилган “Ўрта ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар | 1. Корхона ташкилот ва муассасаларда меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилишини ўрганиш жараёнида мазкур масалани таҳлил қилиш.<br>2. Ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий маълумот ва | 2022-2023 йиллар давомида алоҳида режа асосида<br><br>ҳар йили декабрь | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,<br>Касаба уюшмалари Федерацияси,<br>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси,<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги, |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | қўлланилмаслиги, балки ҳар бир ҳолатга қараб мутаносиб тарзда қўлланилишини кафолатлаш; | учун ишга жойлашиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида лавозимлар ва ишчилар касбларининг янги классификатори”га амал қилиниши устидан назорат олиб бориш. | тавсияларни тайёрлаш ва Республика комиссиясига киритиш | | |
| **46.** | е) иқтисодиётнинг норасмий секторида ишлайдиган аёллар учун оналик муҳофаза қилишни таъминлаш; ёш оналарнинг ишга қайтишларига кўмаклашиш; аёллар ва эркаклар ўртасида уй-рўзғор ва фарзандларни парвариш қилиш масъулиятини баробар тақсимланишини, хусусан, оталарга бола парвариши бўйича таътил олишлари учун кенг имкониятлар яратиш орқали; | 32.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги “Давлат ижтимоий суғурта тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 515-сонли қарори асосида хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларда расмий ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаш тартиби асосида ишларни ташкил этиш. | 1. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларда расмий ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаш тартибининг жойлардаги ижроси устидан назорат олиб бориш. | 2023-2024 йиллар | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги |
| | | 32.7. Фарзандлари бўлган хотин-қизларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш. | 1. «Ишга марҳамат» мономарказлари, профессионал таълим муассасалари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ва маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканларида болаларга, беморлар ҳамда доимий равишда ўзгалар парваришига муҳтож кекса кишиларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш | Меҳнат бозоридаги талабга мувофиқ 2022 йил якунига қадар | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | йўналишлари бўйича ўқув курсларини ташкил қилиш.<br>2. Болаларга, беморлар ҳамда доимий равишда ўзгалар парваришига муҳтож кекса кишиларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш курсларини тугатган малакали мутахассислар тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилиги билан «ish.mehnat.uz» портали ҳамда таниқли хусусий рекрутинг ташкилотлар сайтларида жойлаштириш.<br>3. 2022/2023 ўқув йили қабул параметрларини шакллантиришда жамоат саломатлиги техникумларида болаларга, беморлар ҳамда доимий равишда ўзгалар парваришига муҳтож кекса кишиларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш мутахассислиги бўйича 200 та давлат грантини ажратиш. | 2022 йилдан бошлаб доимий<br><br>2022 йилдан бошлаб доимий | |
| **47.** | f) Халқаро меҳнат ташкилотининг Оилавий масъулияти бор ишчилар тўғрисидаги (156-сон) конвенциясини (1981 йилдаги) ратификация қилиш; | 32.8. ХМТнинг Оилавий масъулияти бор ишчилар тўғрисидаги (156-сон) конвенциясини (1981 йилдаги) ратификация қилиш мақсадга мувофиқлигини ўрганиш. | 1. ХМТнинг Оилавий масъулияти бор ишчилар тўғрисидаги (156-сон) конвенцияси (1981й.) миллий қонунчиликка мувофиқлигини ўрганиш. | 2024 йил январь<br><br>февраль | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,<br>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси,<br>Ташқи ишлар вазирлиги,<br>Молия вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2. Илғор хорижий тажрибани ўрганиш.<br>3. Таҳлилий маълумот тайёрлаш.<br>4. Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган хулосани киритиш. | март<br>апрель | |
| **48.** | е) заиф, маргинал гуруҳларга хос, жумладан, этник озчиликка мансуб, мигрант ва ногиронлиги бўлган хотин-қизлар учун муносиб ишга жойлашиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, мигрант хотин-қизларни жўнаб кетишидан олдин тайёргарлигини таъминлаш | 32.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПФ–87-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурни 2022-2023 йилларда амалга оширишга қаратилган Комплекс чора-тадбирлар режасининг 31--34-бандлари ижросини таъминлаш. | 1. Ҳудудларда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш Дастурини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.<br>2. Дастур ижросини таъминлаш. | 2022 йил август<br>2022-2024 йй. | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ҳунарманд» уюшмаси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-кувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| | | | **Саломатлик** | | |
| **49.** | 34. Қўмита хотин-қизлар ва саломатлик тўғрисидаги 24-сон (1999) умумий тавсиясига ҳавола қилиб, Иштирокчи-давлатга қуйидагиларни тавсия этади:<br>а) хавфсиз аборт ва абортдан кейинги хизматлардан, акушерлик ёрдамидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш бўйича чоралар | 34.1. Республика бўйича хотин-қизларнинг саломатлиги ҳолатини ўрганиш. | 1. Саволнома ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Халқаро консалтинг ташкилотларини жалб қилган ҳолда хотин-қизларнинг саломатлиги ҳолатини ўрганиш дастурини амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2023 йил апрель-июнь<br>июль | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | кўриш орқали оналар ва болалар ўлимининг сабабларини бартараф этиш, юқори кўрсаткичга эга эрта ҳомиладорлик муаммосини ечиш ва малакали акушерлар сонини, хусусан, қишлоқ ва чекка жойларда кўпайтириш; | | | | |
| **50.** | b) катталар ўз хоҳишлари билан жинсий алоқага киришган ҳолатда ОИВ/ОИТС билан касалланиш ва уни юқтиришни жиноят қаторидан чиқариш ва Жиноят кодексининг 113-моддаси, шунингдек Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 57 ва 58-моддаларини бекор қилиш; | 34.2. Катталар ўз хоҳишлари билан жинсий алоқага киришган ҳолатда ОИВ/ОИТС билан касалланиш ва уни юқтиришни жиноят қаторидан чиқариш мақсадга мувофиқлигини ўрганиш. | 1. Илғор хорижий тажрибани ўрганиш.<br>2. Таҳлилий маълумот тайёрлаш.<br>3. Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий маълумот киритиш | 2024 йил<br>январь<br>февраль<br><br>март | Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги |
| **51.** | c) етарли миқдордаги соғлиқни сақлаш муассасаларини тегишли тайёргарликка эга ходимлар билан таъминлаб, жумладан, қишлоқ ва чекка жойларда, шунингдек, замонавий контрацептив воситалардан барча, хусусан, кам таъминланган гуруҳлардан ва қишлоқ жойлардаги хотин-қизлар фойдаланиши имкониятини таъминлаш учун соғлиқни сақлаш ва ахборот дастурларини амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш; | 34.3. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг 46 та туғуруқ бўлими негизида туманлараро перинатал марказларини ташкил этиш. | 1. 46 та туғуруқ бўлими негизида туманлараро перинатал марказларини амалдаги штатлар доирасида ташкил этиш чораларини кўриш.<br>2. Туманлараро перинатал марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. | 2022-2025 йй.<br>режа асосида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси |
| | | 34.4.Хотин-қизларни муносиб ва ҳамёнбоп, бепул тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш. | 1. 3 миллион нафар хотин-қизлар онкологик скринингдан ўтказилишини таъминлаш.<br>2.Юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилиши | 2022-2023 йй. | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси,<br>Молия вазирлиги,<br>Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | лозим бўлган эҳтиёжманд хотин-қизларни даволаш.<br>3.Ногиронлиги бўлган, муҳтож хотин-қизларни реабилитация воситалари билан таъминлаш.<br>4. 9-12 ёшдаги ўсмир қизларни одам папилломаси вирусига қарши ҳамда 12 турдаги вакциналар билан эмлаш. | | |
| **52.** | d) жинсий ва репродуктив саломатлик ва ҳуқуқлар, жумладан контрацепциянинг замонавий шакллари ва жинсий йўл билан юқадиган инфекциялардан сақланиш ҳамда хавфли аборт қилишнинг хатарларига доир ёшга мос ва қамровли мажбурий таълим курсини мактаб дастурларига киритиш; | 34.5. Таълимнинг барча босқичларида тиббий маданиятни ошириш. | 1. Ташкилий чора-тадбирларни белгилаш бўйича қўшма қарор ишлаб чиқиш.<br>2. Чора-тадбирлар доирасида:<br>-мактабгача таълим муассасаларида «Lifestyle — Соғлом макон»;<br>-умумтаълим мактабларида:<br>-1-7 синфларда «Саломатлик дарслари»;<br>-8-11 синфларда Рўзғор юритиш сирлари» ва «Соғлом оила асослари»;<br>ўрта-махсус, -профессионал ва олий таълим муассасаларида «Репродуктив саломатлик асослари» махсус курсини ташкил этиш. | 2022 йил<br><br><br><br>2022/2023 ўқув йили | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги,<br>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,<br>Молия вазирлиги |
| **53.** | е) хотин-қизлар ва болаларда микронутриент танқислиги муаммосини бартараф этиш | 34.6. Юридик шахслар томонидан бойитилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ- | 1. Мониторинг ўтказиш юзасидан саволнома ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2023 йил январь | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларини бойитиш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтиришни; | овқат маҳсулотларини бойитиш учун мўлжалланган витамин-минерал аралашмалар ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши бўйича мониторинг ўтказиш | 2. Эксперт гуруҳини шакллантириш.<br><br>3. Мониторингни ўтказиш, таклифлар тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш | март | |
| | | 34.7. Хотин-қизлар ва болалар ўртасида микронутриент танқислигини олдини олиш соҳасидаги чора-тадбирлар Дастурини қабул қилиш | 1. Илғор хорижий тажрибани ўрганиш.<br>2. Хотин-қизлар ва болалар ўртасида микронутриент танқислигини олдини олиш соҳасидаги чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш | 2023 йил апрель-май | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги,<br>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси |
| **54.** | f) ўз жонига қасд қилишнинг асосий сабабларини аниқлаш учун тадқиқот ўтказиш, Иштирокчи-давлатдаги хотин-қизларнинг руҳий саломатлигини яхшилашга қаратилган чораларни кучайтириш, шунингдек, жисмоний ва руҳий жароҳат олган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун тегишли ресурслар ажратиш. | 34.8. Ўз жонига қасд қилишнинг асосий сабабларини аниқлаш учун тадқиқот ўтказиш. | 1. Тадқиқот ўтказиш учун саволнома ишлаб чиқиш.<br>2. Тадқиқотни ўтказиш.<br>3. Хотин-қизларнинг руҳий саломатлигини яхшилаш, жисмоний ва руҳий жароҳат олган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун тегишли ресурслар ажратилиши бўйича таклифлар тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш | 2023 йил октябрь-ноябрь<br><br>декабрь | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги |
| | | 34.9. Таълим муассасаларида қизлар ва аёлларни ҳимоя қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва мактабда камситишдан ҳимоя қилиш бўйича | 1. Таълим муассасаларида хотин-қизлар эҳтиёжини ўрганиш.<br>2. Таълим муассасаларида хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш | 2023 йил август<br><br>сентябрь | Халқ таълими вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси,<br>Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини такомиллаштириш. | бўйича норматив ҳужжат ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>3.Ўсмирлар ва мактаб ўқувчилари учун “Ишонч телефони” фаолиятини ташкил этиш | октябрь-ноябрь | |
| **Иқтисодий ва ижтимоий имтиёзлар** | | | | | |
| **55.** | 36. Қўмита Иштирокчи давлатга қуйидагиларни тавсия этади:<br>а) хотин-қизларга, айниқса қишлоқлардаги аёлларга ҳақ тўланмайдиган парвариш иши юкини енгиллаштириш мақсадида аҳволни ўзгартириш бўйича дастур ва стратегияларни такомиллаштириш; гендер жиҳатлар инобатга олинган, соғлиқни сақлаш, таълим, болалар парвариши, транспорт, сув, ердан фойдаланиш, уй-жойга эга бўлиш ва энергетика каби соҳаларда кўрсатиладиган давлат хизматлари сифати ва ҳамёнбоплигидан фойдаланишни осонлаштириш; ҳақ тўланмайдиган парвариш иши тўғрисида маълумот тўплашни ва уни тан олиш ҳамда товон тўлашнинг асоси сифатида пулга чақиш тартибини жорий этиш;<br>b) хотин-қизлар ўртасида камбағаллик ошиб кетаётганлиги муаммосини ҳал | 36.1. Хотин-қизларнинг ҳақ тўланмайдиган меҳнатини қисқартириш ва қайта тақсимлаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш. | 1. Болалар парвариши бўйича ҳақ тўланмайдиган меҳнат юкини, айниқса қишлоқ жойларда, манзилли ўрганиш.<br>2. Аёлларнинг малакасига мос иш жойи танлаш. | 2023 йил январь<br><br>март | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси |
| | | 36.2. Нафақадаги ва ижтимоий таъминотдаги хотин-қизларнинг камситилишини бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 1. Нафақадаги ва ижтимоий таъминотга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш.<br>2. Нафақадаги ва ижтимоий таъминотдаги хотин-қизларни камситувчи нормаларни аниқлаш.<br>3. Инвентаризация якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар тайёрлаш ва киритиш. | 2023 йил январь<br><br>февраль<br><br>март | Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги |
| | | 36.3. Оналик муҳофазасини ижтимоий суғурта тизими билан қамраб олиш. | 1. Ташкилотларда охирги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга 2 млн сўм миқдорида | 2022 йил сентябрь | Молия вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | қилишни, жумладан, фарзанд ўстириш ва аёлларнинг ҳақ тўланмайдиган парвариш туфайли бандлигида узилиш бўлиши, уй-рўзғор ишлари билан банд бўлишини инобатга олган ҳолда пенсия ва ижтимоий ҳимоя схемаларида камситишга нисбатан чора кўриш йўли билан; | | ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тўлаш.<br>2. Умумий стаж, суғурта, шунингдек, ўртача иш ҳақидан келиб чиқиб, хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларда расмий ишловчи аёлларга Ижтимоий суғурта Жамғармасидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаш. | 2024 йил январь | Савдо-саноат палатаси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-кувватлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, |
| **56.** | c) хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ва Иштирокчи-давлатнинг иқтисодий ҳаётига қўшган ҳиссасини кескин ошириш мақсадида рағбатлантирувчи ва мақсадли, жумладан, бизнесни ривожлантириш учун субсидиялар, инкубация схемалари, молия фаолиятига жалб қилиш хизматлари ва бошқа рағбатлантирувчи пакетлари каби чораларни кўриш. | 36.4. Тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган хотин-қизларнинг бизнес лойиҳаларини манзилли ўрганиш. | 1. Тадбиркорлик ва ҳунармандчилик марказларига хотин-қизларни жалб қилиш ва уларни ҳунармандчилик ва касаначиликка ўқитиш.<br>2. Ўз тадбиркорлик ғояларини рўёбга чиқариш истагида бўлган хотин-қизларга янги имкониятлар яратиб бериш.<br>3. Хотин-қизларни тадбиркорлик фаолияти, ҳамёнбоп хизматлар ва уларнинг фойдаси ҳақида хабардорлигини ошириш.<br>4. Ҳар бир бизнес сегменти эҳтиёжларига хизмат кўрсатиш орқали талаб ва таклифни мослаштириш (масалан: тез ривожланаётган стартаплар, барқарор ўсишга йўналтирилган ўрта компаниялар, экспортчилар ва бошқалар) | 2023 йил<br>ҳар йили<br>доимий<br>доимий | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-кувватлаш вазирлиги, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 5. Кўрсатилаётган ёрдам самарадорлигини баҳолаш учун мониторинг ва назорат тизимини жорий этиш. | декабрь | |
| | | 36.5. 2022-2024 йилларга мўлжалланган «Бизнес аёллар» дастури лойиҳасини амалга ошириш. | 1.Қуйидагиларни назарда тутувчи 2022-2024 йилларга мўлжалланган «Бизнес аёллар» дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш:<br>-тадбиркорлик субъектлари орасида хотин-қизларнинг улушини 40 фоизгача етказиш;<br>-хотин-қизларга ўз томорқасида гул ва мева-сабзавот етиштириш учун иссиқхона қуриш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни йўлга қўйиш учун 35 миллион сўмгача имтиёзли кредитлар ажратиш.<br>2. Дастур лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2023 йил<br><br><br><br><br><br><br><br><br>октябрь | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартиш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси |
| **Қишлоқ аёллари** | | | | | |
| **57.** | 38. Қўмита аввалги тавсияларини (CEDAW/C/UZB/CO/5, 30-банд) қайтаради ва Иштирокчи-давлатга таълим олиш имкониятларини кафолатлаш, муносиб сув таъминоти ва санитария, расмий иш билан таъминлаш, гаровсиз, паст фоизли | 38.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги "Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони 8-, 9-бандлари ижросини таъминлаш | 1. Қишлоқ жойларидаги хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги фармонининг 8-, 9-бандларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш. | 2023 йилдан бошлаб | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | кредитлар ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий кредитлашнинг бошқа шакллари, ерга эгалик ва ердан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш орқали қишлоқ аёлларининг камбағаллиги билан курашишни тавсия этади. Шунингдек, Қўмита иштирокчи-давлатга қишлоқ хўжалиги сиёсатида гендер муаммоси ҳисобга олинишини ҳамда қишлоқ аёлларининг қарор қабул қилишда тенг иштирокини ва уларнинг раҳбарлик лавозимларини эгаллашини таъминлашни тавсия этади. | 38.2. Қишлоқ жойларда инфратузилмани ривожлантириш орқали хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш. | 1. Қишлоқ жойларда инфратузилмани ривожлантириш, шу жумладан сув таъминоти ва транспорт хизмати кўрсатиш тизимини яхшилаш орқали хотин-қизларнинг меҳнат бозорига киришлари учун шароитларни кенгайтириш бўйича ҳудудлар кесимида иқтисодий асосланган “Мақсадли ҳаракатлар дастури”ни ишлаб чиқиш.<br>2. “Мақсадли ҳаракатлар дастури” лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2022 йил декабрь<br><br>2023 йил январь | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, ,<br>Молия вазирлиги,<br>туман (шаҳар) ҳокимликлари |
| | | 38.3. Мазкур МҲРнинг 26.1, 26.2, 26.3, 26.5 бандлари ижросини таъминлаш | | | |
| **Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояланмаган ва маргинал гуруҳлари** | | | | | |
| **58.** | 40. Қўмита Иштирокчи-давлат кекса аёллар, ногиронлиги бўлган аёллар, этник озчилик гуруҳларга мансуб аёллар, хусусан мугат/лўли жамоаларига мансуб хотин-қизлар, қочоқ ва бошпана истаган аёллар, мигрант аёллар, ОИВ/ОИТС билан яшаётган аёллар, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга одил судловдан фойдаланиш, бандлик ва соғлиқни сақлаш, бемор ахборотининг махфийлигига риоя қилган ҳолда, жинсий ва | 40.1.Қўмита тавсияларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш чораларини кўриш. | 1. Тегишли вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ шакллантириш.<br>2. Қўмита тавсияларини чуқур ўрганиб чиқиш ва илғор халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>3. Чора-тадбирлар режасидаги вазифалар ижросини таъминлаш. | 2023 йил февраль<br><br>2023 йил июль<br><br>Белгиланган муддатларда | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги,<br>Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, мутасадди вазирлик ва идоралар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | репродуктив саломатлигини сақлаш хизматлари, ижтимоий ҳимоя ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун вақтинчалик махсус чораларни назарда тутиб, мақсадли чора-тадбирлар қабул қилишни тавсия этади, бунда уларнинг алоҳида эхтиёжлари инобатга олиниши лозим. | | | | |
| **Никоҳ ва оилавий муносабатлар** | | | | | |
| **59.** | 42. Қўмита Иштирокчи-давлатга қуйидагиларни тавсия этади:<br>а) никоҳ ёшидан истисно қилишни олиб ташлаш мақсадида Оила кодексининг 15-моддасини қайта кўриб чиқиш ва кўп хотинлилик, болалар ўртасида мажбурий никоҳга қарши курашиш саъй-ҳаракатларини, айниқса, қишлоқ жойларда, қуйидаги чораларни қабул қилиш орқали давом эттириш: туб сабабларни бартараф этиш; ҳисоботни рағбатлантириш; оила аъзолари, диний ёки жамоа етакчилари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг иштирок этишини жазолаш; бундай ҳолатларни аниқлаш механизмларини жорий этиш; | 42.1. Кўп хотинлилик ва болаларнинг мажбурий никоҳига қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш. | 1. Қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш:<br>-туб сабабларини бартараф этиш;<br>-оила аъзолари, диний ёки жамоа етакчилари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг иштирок этишини жазолаш;<br>бундай ҳолатларни аниқлаш механизмларини жорий этиш;<br>Хотин-қизларни камситишни бартараф этиш Қўмитасининг/умумий шарҳи 31-сон қўшма умумий тавсияси ва Бола ҳуқуқлари қўмитасининг хавфли амалиёт тўғрисидаги 18-сон тавсиясига (2014) мувофиқ, айбдорларни жавобгарликка тортилиши ва муносиб жазоланишини таъминлаш | 2023 йил январь-март | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси,<br>Бош прокуратура, Болалар омбудсмани, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-кувватлаш вазирлиги,<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги,<br>Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ички ишлар вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | шунингдек, Хотин-қизларни камситишни бартараф этиш Қўмитасининг/умумий шарҳи 31-сон қўшма умумий тавсияси ва Бола ҳуқуқлари қўмитасининг хавфли амалиёт тўғрисидаги 18-сон тавсиясига (2014) мувофиқ, айбдорларни жавобгарликка тортилиши ва муносиб жазоланишини таъминлаш; | 42.2. Жамият ривожланишининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда Оила кодексини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш. | 1. Оила институтини мустаҳкамлаш, болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, никоҳга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар, шу жумладан, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олишга оид нормаларнинг киритилишини ўрганиш.<br>2. Ўрганиш якунлари бўйича таклифлар тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2022 йил декабрь<br>2023 йил март | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси,<br>Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги,<br>Адлия вазирлиги,<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги,<br>Олий суд, Ички ишлар вазирлиги,<br>Бош прокуратура |
| **60.** | b) ОИВ/ОИТС билан яшаётган аёлларга бола асраб олиш, васийлик ва фарзандликка олувчилик ҳуқуқини тақиқловчи камситувчи қонун ҳужжатларини бекор қилиш; | 42.3. Қонунчиликда ОИВ/ОИТС билан касалланганларга нисбатан камситувчи моддаларнинг мавжудлиги нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини инвентаризация қилиш. | 1. ОИВ/ОИТС билан касалланганларга нисбатан камситувчи моддаларнинг мавжудлиги нуқтаи назаридан қонунчиликни ўрганиш ва таҳлил қилиш.<br>2. Ўрганиш якунлари бўйича хулоса тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2023 йил апрель<br>май-июнь | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита |
| **61.** | c) Қўмитанинг никоҳ, оилавий муносабатлар ва уларни тугатиш билан боғлиқ иқтисодий оқибатлари тўғрисидаги 29-сон (2013) умумий тавсиясига мувофиқ, диний никоҳ маросими фақат никоҳ фуқаролик рўйхатдан ўтганидан сўнг ўтказилиши, диний ва анъаналар асосида қурилган оила ажралиши ҳолатида аёлларнинг | 42.4. Инсон ҳуқуқлари соҳасида, хусусан, турмуш ўртоғини эркин танлаш ҳуқуқи ва хотин-қизлар ўртасида мажбурий никоҳнинг тақиқланганлиги масалаларида билимларни ошириш. | 1. Дастур ва модулни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Мавзу бўйича тарқатма материал, тақдимотлар, видеоролик, буклет ва флаерлар тайёрлаш.<br>3. Мавзу бўйича семинар, тренинг, давра-суҳбатлари ташкил этиш. | 2023 йилдан бошлаб | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| | | 42.5. Никоҳ даврида ҳамда ажримдан сўнг тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг | 1. Ўрганиш бўйича саволнома ишлаб чиқиш. | 2023 йил | Судьялар олий кенгаши, Адлия вазирлиги, Олий суд, Оила ва хотин-қизлар давлат |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш;<br>d) Конвенциянинг 16-моддасига мувофиқ, аёллар ва эркаклар никоҳ ва оилавий муносабатлар даврида ёки улар бекор қилинганидан сўнг тенг ҳуқуқ ва масъулиятга эга бўлишлари, жумладан, ота ва онанинг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг никоҳ ҳолатидан қатъий назар, фамилиясини, касбини ва яшаш жойини танлашда бир хил ҳуқуқини таъминлаш учун чора-тадбирлар қабул қилиш; | таъминланиши юзасидан суд амалиётини таҳлил қилиш. | 2. Ижтимоий сўров ўтказиш.<br>3. Суд амалиётини таҳлил қилиш.<br>4. Ижтимоий сўров натижаларини умумлаштириш.<br>5. Таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | | қўмитаси, «Ижтимоий фикр» Маркази |
| | | 42.6. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш. | 1. Туман (шаҳар)лардаги Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари фаолиятини ўрганиш.<br>2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2022 йил декабрь | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси,<br>Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги,<br>Молия вазирлиги,<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| | | 42.7. «Yoshoila.uz» веб-сайти (электрон платформа) ва мобил иловаси фаолиятини такомиллаштириш ва оммалаштириш. | 1. «Yoshoila.uz» веб-сайти (электрон платформа) фаолиятини такомиллаштириш ва мобил иловасини ишлаб чиқиш.<br>2. «Yoshoila.uz» веб-сайти (электрон платформа) ва мобил иловаси фаолиятини оммалаштириш бўйича медиа-режа ишлаб чиқиш. | 2022 йил октябрь | Ёшлар ишлари агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| **62.** | e) судьялар, прокурорлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва маҳаллий ҳокимият органлари ходимлари учун кўп хотинлилик, мажбурий ва | 42.8. Мазкур МҲРнинг 10.2., 12.7. бандлари ижросини таъминлаш | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | болаларнинг мажбурий никоҳларини олдини олиш бўйича ўқув ва ахборот-маърифий тадбирлар ўтказиш; | | | | |
| 63. | f) кўп хотинлилик, мажбурий ва болаларнинг мажбурий никоҳларига тегишли қонун ҳужжатларига риоя этиш мақсадида маълумот йиғиш ва рўйхатдан ўтказиш жараёнларини ислоҳ қилиш. | 42.9. Кўп хотинлилик, мажбурий ва болаларнинг мажбурий никоҳларига тегишли қонун ҳужжатларига риоя этиш мақсадида маълумот йиғиш ва рўйхатдан ўтказиш жараёнларини ислоҳ қилиш. | 1. Маълумот йиғиш механизмини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Давлат статистика қўмитаси томонидан сўров бўйича мавжуд маълумотларни тақдим этиш. | 2023 йил январь<br><br>март ойидан бошлаб ҳар чоракда | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Давлат статистика қўмитаси |
| **Конвенцияга Факультатив протокол ва Конвенциянинг 20-моддаси 1-бандига ўзгартириш киритиш** | | | | | |
| 64. | 43. Қўмита Иштирокчи-давлатга Конвенцияга факультатив протоколни ратификация қилишни ва Конвенциянинг Қўмита йиғилишлари давом этиш вақтига тегишли 20 (1)-моддасига иложи борича тезроқ ўзгартиш киритишни тавсия этади. | 43.1. Конвенцияга факультатив протоколни ратификация қилиш ва Конвенциянинг Қўмита йиғилишлари давом этиш вақтига тегишли 20 (1)-моддасига ўзгартиш киритиш мақсадга мувофиқлигини ўрганиш. | 1. Илғор хорижий тажрибани ўрганиш.<br>2. Таҳлилий маълумот тайёрлаш.<br>3. Аниқ таклифларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2024 йил январь<br><br>февраль-март<br><br>апрель | Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ташқи ишлар вазирлиги, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) |
| **Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар Платформаси** | | | | | |
| 65. | 44. Қўмита Иштирокчи-давлатни Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасини фаолиятда қўллашга, хотин-қизлар ва эркакларнинг аслида тенглигига эришиш мақсадида Декларация ва Ҳаракат платформасини амалга оширишнинг 25 йиллик натижасини кўриб чиқиш контекстида Конвенцияда назарда тутилган ҳуқуқлар амалга | 44.1. Хотин-қизлар ва эркакларнинг аслида тенглигига эришиш мақсадида Декларация ва Ҳаракатлар платформасини амалга оширишнинг 25 йиллик натижасини кўриб чиқиш контекстида Конвенцияда назарда тутилган ҳуқуқлар амалга оширилганлигини баҳолаш | 1. Эксперт гуруҳини шакллантириш.<br>2. Баҳолаш учун саволнома ишлаб чиқиш.<br>3. Баҳолаш ўтказиш ва киритиш учун таклифлар тайёрлаш. | 2025 йил январь-апрель | Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ,<br>Инсон ҳуқуқлри соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича парламент комиссияси,<br>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | оширилганлигини баҳолашга чақиради. | | | | |
| **Маълумот тарқатиш** | | | | | |
| **66.** | 45. Қўмита Иштирокчи-давлатдан ушбу якуний тавсияларни уларнинг тўлиқ ижро этилишини таъминлаш мақсадида Иштирокчи-давлатнинг расмий тил(лар)ида барча даражадаги (миллий, ҳудудий ва маҳаллий) тегишли давлат органлари ходимлари, хусусан, Ҳукумат, Олий Мажлис ва судларга тарқатишни сўрайди. | 45.1. Қўмитага тақдим этилган Ўзбекистон ҳисоботи ва қўмитанинг якуний хулосаларини давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали тарқатиш. | 1. Давлат органларнинг расмий веб-сайтларида Ўзбекистон ҳисоботи ва қўмитанинг хулосаларини эълон қилиш.<br>2. Қўмитанинг якуний хулосаларини ижроси юзасидан жамоатчилик эшитувларини ташкил қилиш. | 2022 йил<br><br>2022-2025 йй. | Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, масъул вазирлик ва идоралар<br><br>Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, вазирлик ва идоралар |
| **Бошқа шартномаларни ратификация қилиш** | | | | | |
| **67.** | 46. Қўмита Иштирокчи-давлатнинг инсон ҳуқуқлари бўйича тўққизта асосий халқаро ҳужжатга риоя қилиши хотин-қизлар ҳаётининг барча соҳаларида инсон ҳуқуқлари ва фундаментал эркинликларидан фаолроқ фойдаланиш имкониятини беришини таъкидлайди. Шу муносабат билан Қўмита Иштирокчи-давлатни у ҳозирча қўшилмаган Барча шахслар учун мажбуран ғойиб бўлишдан ҳимояни таъминлаш тўғрисидаги ҳамда Барча меҳнат муҳожирлари ва уларнинг | 46.1. Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларда иштирок этиш имкониятларини ўрганиш. | 1. Мазкур халқаро шартномаларни ратификация қилиш масаласи бўйича халқаро тажриба ва хорижий мамлакатлар амалиётини ўрганиш.<br>2. Мазкур халқаро шартномаларга қўшилишнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини эксперт муҳокамасидан ўтказиш.<br>3. Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган хулоса киритиш. | 2024 йил I чорак<br><br>2024 йил II чорак<br><br>2024 йил III чорак | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Ташқи ишлар вазирлиги |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияларни ратификация қилишни тавсия этади. | | | | |
| **Якуний тавсиялар муносабати билан кейинги фаолият** | | | | | |
| **68.** | 47. Қўмита Иштирокчи-давлатдан икки йил мобайнида юқоридаги 22 d), 30 b), 34 a) ва 42 b) бандларда баён этилган тавсияларни бажариш бўйича амалга оширилган чоралар тўғрисида ёзма ахборот беришни сўрайди. | 47.1. 22 d), 30 b), 34 a) ва 42 b) бандларда баён этилган тавсияларни бажариш бўйича амалга оширилган чоралар тўғрисида ёзма ахборот тайёрлаш. | 1. Юқоридаги 22 d), 30 b), 34 a) ва 42 b) бандларда баён этилган тавсияларни бажариш бўйича амалга оширилган чоралар тўғрисидаги ёзма ахборот тайёрлаш мақсадида Ишчи гуруҳи тузиш.<br>2. Керакли ахборотни тайёрлаш учун маълумот тўплаш.<br>3. Ахборотни тайёрлаш ва белгиланган тартибда БМТнинг Қўмитасига юбориш. | 2024 йил январь<br><br>февраль | Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда масъул вазирлик ва идоралар |
| **Кейинги Маърузани тайёрлаш** | | | | | |
| **69.** | 48. Қўмита Иштирокчи-давлатга Еттинчи даврий ҳисоботини 2026 йил февраль ойида тақдим этишни таклиф этади. Ҳисобот вақтида тақдим этилиб, тақдим этилиш вақтигача бўлган даврни қамраб олиши лозим.<br>49. Қўмита Иштирокчи-давлатдан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларга мувофиқ | 48.1. Ўзбекистон Республикасининг Еттинчи даврий ҳисоботини тайёрлаш ва 2026 йилнинг февраль ойида белгиланган тартибда тақдим этиш | 1. Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Еттинчи даврий ҳисоботи лойиҳасини тайёрлаш.<br>2. Еттинчи ҳисобот лойиҳасини муҳокама қилиш. | 2025 й. | Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ташқи ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси, масъул вазирлик ва идоралар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | ҳисобот беришнинг келишилган йўриқномаларига амал қилишни, жумладан, умумий асосий ҳужжат ва хусусий шартномага тегишли ҳужжат бўйича йўриқномаларга амал қилишни сўрайди (Қаранг: HRI/GEN/2/Rev.6, I-боб). | | 3. БМТнинг Хотин-қизларни камситилишига барҳам бериш қўмитасига Ўзбекистон Республикасининг Еттинчи даврий ҳисоботини тақдим этиш. | Ҳисоботни тақдим этиш муддатларига мувофиқ | |